

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН
МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

Касб таълими «Иқтисодиёт» кафедраси

4-КТМ-10 гуруҳ талабаси

Хасанов Элбек Фазлиддиновичнинг

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**МАВЗУ: Бюджет-солиқ сиёсатининг яхлитлиги мавзусини
муаммоли маъруза технологияси асосида ўқитиш
методикасини ишлаб чиқиш**

Илмий раҳбар:

и.ф.н., доц..И.Сирожиддинов

Наманган-2014 йил

Мундарижа

Кириш

1-боб. Бюджет-солиқ сиёсати мазмуни ва йўналишлари

- 1.1. Бюджет сиёсати ва унинг таркибий тузилиши.
- 1.2. Солиқ сиёсати бюджет сиёсатининг молиявий-иқтисодий асоси сифатида.
- 1.3. Бюджет сиёсати ва солиқ сиёсатининг такомиллаштирилиши йўналишлари.

2-боб. Мамлакатни модернизациялаш шароитида бюджет-солиқ сиёсатининг яхлитлиги

- 2.1. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги зарурлиги.
- 2.2. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлаш механизми.
- 2.3. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини мустаҳкамлаш масалалари.

3-боб. Мавзуни муаммоли маъруза технологияси асосида ўқитиш методикаси

- 3.1. Мавзуни ўқитиш самарадорлигини таъминлашда педагогик технологияларнинг роли.
- 3.2. Мавзу бўйича муаммоли маъруза машғулотини олиб бориш методикаси

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Иқтисодийни модернизациялашнинг кенг қамровли комплекс тадбирларини амалга оширишда давлат бюджет-солиқ сиёсатини шакллантириш ва ижро этиш масалалари марказий ўрин эгаллайди. Президент И.А.Каримов томонидан иқтисодий эркинлаштириш ва мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Ушбу устувор йўналишлардан келиб чиқувчи вазифаларни амалга оширишда салмоқли натижа ва сезиларли ўзгаришлар қўлга киритилди: иқтисодийнинг юқори барқарор суръатлар билан ўсиши ва макроиқтисодий мутаносиблиги таъминланмоқда, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ишлари давом эттирилмоқда. Бу натижаларнинг молиявий пойдеворини эса давлатнинг бюджет-солиқ сиёсати ташкил этмоқда.

Президент И. А. Каримов таъкидлаганидек, мамлакатимиз эришаётган ютуқларнинг замирини қуйидаги омиллар ташкил этмоқда мумкин:

- маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодийига ўтишнинг босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танланганлиги;
- давлат бош ислохотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигини аниқ белгилаб олинганлиги;
- Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодийнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустақкам захиралар яратилганлиги ва зарур ресурслар базасининг мавжудлиги;
- оқилona ташқи қарз сиёсати олиб борилганлиги;
- аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида нархлар индексининг асоссиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилганлиги;
- давлатнинг молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг барқарор ва ишончли эканлиги, уларнинг ҳимоя механизмлари кучлилиги¹.

Демак, давлат бюджет-солиқ сиёсати билан боғлиқ масалалар ҳозирги пайтда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мавзунинг ўрганилганлиги. Давлат бюджет-солиқ сиёсатини ташкил этиш, бу жараёнларнинг турли мамлакатлардаги хусусиятлари мамлакатимиз

¹ Қаранг: Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 9-б.

ва хориж олимлари томонидан ўрганиб келинмоқда. Бу масалар ғарб тадқиқотчилари Р.Левин, С. Зервос, М. Пагано, А. Сиг, А. Стейнберг, Г. Зеро, МДХ олимлари А. Бабич, Л. Павлова, Т. Брайчева, М. Романовсков, И. Гаврилова, С. Голицкая, М. Дмитриев, Л. Журавлева, Ўзбекистонлик олимлар А. Ваҳобов, Т. Маликов, Р. Намозов, Қ. Яҳёев, З. Сирожиiddинова, А. Раҳимов ва бошқалар томонидан ёритилган бўлсада, республиканинг алоҳида ҳудудлари бўйича тадқиқотлар етарли эмас.

Битирув-малака ишининг мақсади ва вазифалари. Ишнинг мақсади давлат бюджет-солиқ сиёсати боғлиқ долзарб масалаларни тадқиқ этишдир. Шунга биноан тадқиқот олдида қуйидаги вазифалар қўйилган:

- давлат бюджет-солиқ сиёсати ва уни такомиллаштиришнинг назарий асосларини ўрганиб чиқиш;
- давлат бюджет-солиқ сиёсати вазифалари ва ҳуқуқий-ташкилий иқтисодий асосларини тадқиқ этиш;
- давлат бюджет-солиқ сиёсати замонавий ҳолатини таҳлил қилиш;
- давлат бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштириш йўллари асослаб бериш.

Ишнинг методологик асосини Президент И. А. Каримовнинг иқтисодий ислохотларнинг йўналишлари ҳар томонлама чуқур асослаб берилган асарлари, мамлакатимизнинг бюджет қонунчилиги ва молия фанининг назарий хулосалари ташкил этади. Мавзудаги масалаларни илмий тадқиқ этишда илмий билишнинг илмий абстракциялаш, анализ ва синтез, мантикий ёндашув, статистик умумлаштириш усуллари қўлланган.

Ишнинг предмети ва объекти. Ишнинг предмети давлат бюджет-солиқ сиёсати механизмини шакллантирилиши ва такомиллаштирилиши борасидаги муносабатлардир, объект сифатида давлат бюджети ва унинг таркибий қисмлари олинган.

Ишнинг натижалари давлат бюджет-солиқ сиёсати такомиллаштириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилиши, асослаб берилиши ва ўрганилишида қўлланиши мумкин.

Ишнинг таркиби ва ҳажми. Иш бетда баён этилган ва ўз ичига 9 та жадвални олади. Иш кириш, 3та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Киришда мавзунинг долзарблиги ва ўрганилганлиги, ишнинг мақсади ва вазифалари асослаб берилган.

Биринчи бобда давлат бюджет-солиқ сиёсати моҳияти ва таркибий тузилиши назарий асослари тадқиқ этилган.

Иккинчи бобда давлат бюджет-солиқ сиёсати йўналишлари замонавий ҳолати таҳлили амалга оширилган.

Учинчи бобда мавзуни ўқитиш методикаси ишлаб чиқилган.

Хулосада битирув-малака ишининг энг муҳим натижалари баён қилинган.

1-боб. Бюджет-солиқ сиёсати мазмуни ва йўналишлари

1.1. Бюджет сиёсати ва унинг таркибий тузилиши

Давлат бюджети - давлат молиявий тизимидаги асосий букин, етакчи молиявий категориядир. Бюджет орқали молиявий ресурслар сафарбар этилади ва сарф-харажат қилинади ҳамда у асосий молиявий тушунчалар (солиқлар, давлат кредита, давлат харажатлари)ни ўзаро бирлаштиради.

Давлат бюджети қонун кучига эга бўлган, қонун чиқарувчи орган - парламент томонидан қабул қилинадиган, келгуси йил учун мўлжалланган асосий молиявий режадан иборат. Давлат бюджети ўз молдий мазмунига кўра давлатнинг марказлаштирилган пул мабларлари ташкил тоналиши ва фойдаланилиши шаклидан, социал мохияти жихатидан эса миллий даромадни тақсимлаш воситасидан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг "Бюджет кодекси"да таърифланишича: "Давлат бюджети - давлат пул маблағларининг (шу жумладан, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромад манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Давлат бюджети мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутати, давлат ва жамият тараққиётини таъминлайди. Ўзбекистон республикаси бюджет тизими икки бўринли бўлиб, Республика бюджети ва маҳаллий бюджетлардан ташкил топади. Республика бюджети ва бюджетдан ташқири давлат фондлари бюджетлари Республика қонуни тарзида Олий Мажлис томонидан, маҳаллий бюджетлар эса тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси бюджети ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бюджетлари йиғиндисидан Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган (йиғинди) бюджети юзага келади.

Бюджет тизими амал қилиши умумий тамойилларга асосланади. Аша шундай умумий тамойиллар қаторига қуйидагиларни кири тиш мумкин:

- бюджет тизимларининг ягоналиги;
- бюджетлар мустақиллиги;
- турли даража бюджетлар даромадлари ҳамда харажатларини ўзаро ажратилганлиги;
- бюджетда даромадлар ва харажатларни тўлиқ акс эттирилиши;
- бюджет маблағларидан самарали ва тежамли фойдаланилиши;
- бюджет кўрсаткичларининг ишончлиги;

- ошкораликнинг оаъминланиши;
- бюджет маблағларининг мақсадли ва аниқ йўналтирилганлиги кабилар.

Демократик ҳуқуқий давлатларда боджетнинг мувозанатланганлиги, ундаги кўрсаткичларнинг ишончлилиги ошкораликнинг таъминланиши энг муҳдм тамойиллардан саналади. Маъмурий буйрукбозликка асосланувчи ва самарасиз иқтисодий бошқарув усулларида фойдаланадиган тоталитар сиёсий режимли давлатларда сохта, ошириб кўрсатилган маълумотлар қўлланилишига, бюджет даромадлари ва харажатларининг аниқ йўналишлари мах-фий тутилишига харакат қилинади, шу йўл билан иқтисодиётда ўқувсиз сиёсатдонлар айби билан содир бўлаётган салбий жараёнларни уширишга харакат қилинади.

Давлат бюджети молиявий механизм, иқтисодий тараққиётни таъминлаш воситаси сифатида маълум функцияларни бажаради. Бундай функциялар каторига:

- а) миллий даромадни қайта тақсимлаш;
- б) иқтисодиётни давлат йўли билан бошқариш ва рағбатлантириш;
- в) давлат ижтимоий сиёсатини молиявий жихатдан таъминлаш;
- г) пул маблағларининг марказлашган фондлари ташкил топиши ва улардан фойдаланилиши устидан назорат қилиш кабилар киради.

Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда бюджетдан фойдаланиш махсус нормалар йиғиндиси мавжуд бўлишини тақрзо этади. Бундай юридик нормалар молия ҳуқуқининг мустақил бўлимини ташкил этади. Бюджет ҳуқуқи молиявий тизимнинг таркибий бўлаги сифатида бюджетни вужудга келтириш, тақсимлаш ҳамда фойдаланиш юзасидан вужудга келувчи ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳуқуқи деганда Ўзбекистон ҳудудида бюджетни шакллантириш, тақсимлаш ва фойдаланиш юзасидан молиявий-ҳуқуқий нормалар *йиғиндиси* назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси бюджетига оид молиявий муносабат-ларнинг ҳуқуқий асослари бўлиб:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
2. "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги қонун;
3. Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида"ги қонуни;
4. Ўзбекистон Республикасининг "Бюджет кодекси";
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бюджет масалаларига оид қонунлари ва қарорлари;
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг бюджет ва унинг

ежросини таъминлаш соҳасидаги фармонлари;

7. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маҳаллий бюджетлар масалаларидаги қарорлари ҳисобланади.

Юқоридаги юридик база асосида бюджетга оид ҳуқуқий муносабатлар тартибга солинади. Бюджет муносабатлари деганда, бюджет лойиҳасини ишлаб чиқиш, қабул қилиш, уни ижро этиш жараёнида турли даражадаги давлат органлари ўртасида юзага келувчи молиявий-ҳуқуқий муносабатлар назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати бюджет муносабатларида иштирок этиш жараёнида бу соҳадаги қонунчилик талабларига зид келмайдиган меъёрий ҳужжатлар қабул қилиши мумкин. Бюджет ҳуқуқи предмети жумласига қуйидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикаси бюджети тузилиши ва бюджет тизимлари соҳасидаги муносабатлар;

- Ўзбекистон Республикаси ва маҳаллий бюджети даромадлар ва харажатлар тузилишини, уларнинг турли бюджет бўлинлари ўртасида тақсимланиши соҳасидаги муносабатлар;

- Республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ваколатлари доирасини белгилашга оид муносабатлар;

- Бюджет жараёни билан боғлиқ муносабатлар;

- Бюджет ижроси устидан назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ, муносабатлар.

Юқорида санаб утилган ижтимоий муносабатлар бюджет ҳуқуқи нормалари билан тартибга солиниши натижасида бюджетга оид ҳуқуқий муносабатларга айланади. Бошқа молиявий муносабатлар-дан фаради улароқ. бундай ҳуқуқий муносабатлар бюджет фаолияти натижасида вужудга келади. Бюджет ҳуқуқий муносабат субъектлари доираси нисбатан тоороқ. бўлиб, улар жумласига қуйидагилар киради:

- Давлат, маъмурий-ҳудудий тузилмалар;

- Давлат вакиллик ижроия ҳамда маҳаллий органлари;

- Давлат ва муниципал ташкилотлар.

Биринчи гуруҳга Ўзбекистон Республикаси органлари, вилоят, туман, шаҳар ҳокимиятлари киради.

Иккинчи гуруҳга ҳукумат, вилоят, шаҳар, туман маъмурияти, молиявий органлар тизими (Молия вазирлиги, Молия бошқармалари, банк тизимлари, Солиқ, органлари) киради.

Учинчи гуруҳга давлат ва муниципал корхоналар, муассасалар ва давлат бюджети ҳисобидан маблағ билан таъминланадиган бошқа тузилмалар киради.

Бюджет ҳуқуқи нормалари молдӣ-ҳуқуқӣ ёки процессуал бўлиши мумкин. Молдӣ-ҳуқуқӣ нормалар бюджет тузилиши, тизимлари, даромад ва харажатлар таркиби ва бошқаларни белгилайди. Процессуал нормаар эса бюджет жараёнини, унинг қабул қилиниши ва ижро этилиш тартибларини белгилайди.

Давлат молиявий фаолиятида ва бюджет тизимида бюджет таснифи бюджет ауволи тўғрисидаги ахборотларни ҳисобга олиш ҳамда тартиблаштиришга кўмаклашади.

Бюджет таснифи - бу бюджет даромадлари ҳамда харажатларини муайян хусусиятларига кўра турохлашдан иборат бўлиб, уни тузиш ва ижро этиш, турли даражадаги бюджет кўрсаткичларини ўзаро тақдослаш, молиявий манбаларни, бюджет тақчиллигини қоп-лаш манбаларини белгилаш имконини беради.

"Бюджет тизими тўғрисида"ги қонунининг 10-моддасига кўра: бюджет таснифи Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар даромадлари ва харажатларини, шунингдек унинг тақчиллигини молиялаштириш манбаларини гуруҳдадан иборатдир.

Бюджет таснифи Давлат бюджетини тузиш, куриб чиқиш, қабул қилиш ҳамда ижро этиш мақсадида бюджет маълумотларини йўлга солиш учун фойдаланилади ва у бюджет маълумотлари халқаро тасниф тизимларининг айнан шундай маълумотлари билан киёсла-нишини таъминлайди.

Бюджет таснифи:

давлат бюджети даромадларининг таснифи;

- давлат бюджети харажатларининг функционал, ташкилий ва иқтисодий таснифи;

давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифини ўз ичига олади;

Давлат бюджети даромадларнинг таснифи қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг турлари ва манбалари бўйича гуруҳдадан иборат бўлади.

Давлат бюджети харажатларининг вазифа жихатидан таснифп давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек бошқа бюджет ташкилотлари томонидан ижро этиладиган асосий вазифалар бўйича харажатларни гуруҳлашдан иборат бўлади. ,

Давлат бюджети харажатларининг ташкилий таснифи бюджетдан ажратиладиган маблағлар уларни бевосита олувчилар ўртасида тақсимланишини акс этувчи ҳўжалик юритувчи субъектлар ва тадбирлар турлари бўйича харажатларни гуруҳлашдан иборат бўлиди.

Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи тўловларнинг иқтисодий вазифаси ва турлари бўйича харажатларни гуруҳлашдан иборат бўлади.

Давлат бюджети тақдирлигини молиялаштириш манбалари таснифи гақчилликни молиялаштиришнинг ички ва ташқи манбалари бўйича гуруҳлашдан иборат бўлади.

Бюджет таснифи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва таъдиқланади.

Бунда давлат бюджети даромадлари қаторига қуйидагилар киритилади:

1. Қонун ҳужжатларида белгиланган Солиқлар, йиғимлар, божлар ва бонха мажбурий тўловлар;
2. Давлатнинг молиявий ва бошқа активларининг жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотилишидан олинган даромадлар;
3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳада этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;
4. Юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет эл давлатларидан келган қайтарилмаган пул тушумлари;
5. Разидент-юридик шахсларга ва хорижий давлатларга берилган бюджет ссухаларини қайтариш ҳисобига тушадиган тўловлар;
6. Қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа даромадлар ҳисобига шакллантирилади.

Давлат бюджет зуражатлари ўзининг таркибида қуйидагиларни назарда тутди:

Давлат бюджети харажатлари тасдиқланган бюджетдан маблағ ажратиш доирасида қуйидагича амалга оширилади:

1. Бюджет маблағлари олувчиларнинг жорий харажатлари шаклида;
2. Жорий бюджет трансфертлари шаклида;
3. Капитал харажатлар шаклида: асосий фондлар ва воситаларни (улар билан боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига кириди) давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқаришга;
4. Чет элда давлат эҳтиёжлари учун ер ва бошқа мол-мулк олишга ва бошқа мақсадларга сарфланади.

Хар бир бюджет даромадлар ва харажатлар бўйича тузилади. Бюджет даромад қисмининг умумлаштирувчи манбаи бўлиб жамиятнинг миллий даромади ҳисобланади. Бюджет тизими даромад қисмининг таркиби юридик ва жисмоний шахслар томонидан турли даражадаги бюджетларга тўланадиган тўловларда ифодаланади. Турли даражадаги бюджетларга

келиб тушадиган даромадларнинг ижтимоий-иқтисодий белгилари, тўланиш тартиби ва шартлари, юридик шаклларига кўра классификациялаш мумкин.

Ижтимоий-иқтисодий белгиларига кўра даромадлар:

- ташкилотлар хўжалик фаолиятдан олинадиган;
- ташқи иқтисодий фаолиятдан олинувчи;
- аксизлар;
- ташкилотлар томонидан брокерлик ва бошқа воситачилик хизматларидан олинадиган;
- давлат божлари;
- банк ва сўтўрта фаолиятдан олинадиган ;
- хусусийлаштиришдан олинадиган;
- ресурслар учун тўловлардан;
- фуқаролар даромадларидан;
- бошқа даромадлардан олинадиган бюджет даромадларига бўлинади.

Тўланиш тартиби ва ўтказилиш шартларига кўра даромадлар мустахкамланган, бошқариладиган, дотация, субвенция, ўз маблағлари ва қарзга олинадиган маблағларга бўлинади.

Мустахкамланган даромадлар фойзалар еки бошқа қатъий белгиланган миқдорларда бюджетга келиб тушади. Бошқариладиган даромадлар юқори турувчи давлат ёки маҳаллий ҳокимият органи қарори билан қўйи орган ихтиёрига ўтказилади.

Бюджет даромад қисми, шунингдек дотациялар ва субвенциялар ҳисобига, яъни юқори турувчи бюджет томонидан қўйи турувчи бюджетга маблақ ажратилишидан иборатдир.

Юридик шаклларига кўра бюджет даромадлари солиқ ва носолиқ тўловларга бўлинади.

Бюджет тизимларининг харажатлари давлат ва маҳаллий харажатларнинг асосий қисмини ташкил қилади. Давлат бюджети харажатларининг таркиби ва нисбати муайян даврда давлат олдида турган вазифалар билан белгиланади. Бюджет харажатлари даромад таркиби, хажмига боклик бўлиб, уларга ўз таъсирини ўтказиб туради.

Бюджет тизимлари харажатлари таркиби қуйидаги йўналиш ларда сарф-харажатларни ўз ичига олади:

- халқ хўжалигини молиялаштириш харажатлари;
- ижтимоий-маданий тадбирларни молиялаштириш харажатлари;
- давлат ва муниципал (маҳаллий) дастурлар ва инвестиция лойиҳдаларини молиялаштириш;
- фундаментал илмий-техникавий тадқиқотлар, давлат ва маҳаллий илмий-техникавий дастурларни молиявий таъминлаш;

- мудофаа харажатлари;
- давлат ва маҳаллий ҳокимият ҳамда идора органларини, ҳуқуқий муҳофаза қилиш, суд, прокуратура органларини сақлаш харажатлари;
- ташқи иқтисодий фаолият харажатлари;
- фуқароларга турли нафацалар ва тоовонлар тўлаш харажатлари;
- дотация ва субвенциялар тўлаш харажатлари ва бошқалар.

Бюджет харажатларига ва унинг таркибига ички, ташқи, иқтисодий, сиёсий ва бошқа омиллар таъсир кўрсатиши мумкин.

1.2. Солиқ сиёсати бюджет сиёсатининг молиявий-иқтисодий асоси сифатида.

Солиқлар иқтисодий ва ҳуқуқий категория бўлишидан ташқари, молиявий категория ҳам саналади ва ўзига хос функцияларни адо этади.

Солиқлар қуйидаги функцияларни бажаради:

1. Фискал (ҳазина тўплаш) функцияси. Унинг ёрдамида давлатнинг нормал ва бир маромда фаолият юритиши учун зарур бўлган давлат пул жамғармалари вужудга келтирилади. Миллий даромаднинг муайян қисмини ижтимоий заиф қатламлар фойдасига қайта тақсимлаш имконини беради. Давлат иқтисодий муносабатларда солиқларнинг фискал функцияси орқали ихтироқ этади.

2. Тартибга солиш функцияси. Солиқлар воситасида давлат такрор ишлаб чиқариш жараёнига фаол таъсир ўтказади, унинг суръатларини жаҳаллаштиради ёки секинлаштиради капитал жам-рарилишини тезлаштиради ёки секинлаштиради, аҳолининг тўловга қарбилиятини кенгайтиради ёки торайтиради. Тартибга солиш функцияси фискал функция билан боғлиқ бўлади. Солиқ, механизми деганда солиқ, солишнинг ташкилий ҳуқуқий меъёрлари ва солиққа тортишнинг бошқариш усуллари йиғиндиси назарда тутилади. Давлат солиқ, қонунчилиги орқали солиқ, механизмига юридик шакл берилади. Солиқ сиёсати ва солиқ, механизми солиқларнинг жами-ятдаги ўрнини акс эттиради.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ, тизими Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган "Солиқ кодекси"да назарда тутилган бўлиб, умумдавлат солиқларидан ҳамда маҳаллий солиқлар ва йиғимлардан иборат.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустахкамланган (123-модда). Солиқ тизимини ҳуқуқий жихатдан расмийлаштириш "Солиқ кодекси", "Давлат Солиқ, хизмати тўғрисида"ги қонун воситасида амалга оширилади.

Умуман олганда, солиқ, тизимининг таркиби ва тузилиши жаҳон амалиётида кенг қўлланиб келинаётган солиқ, тизимларига мос келади. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда бир неча ўнлаб турли кўринишдаги солиқлар олинади ва улар муайян вазифаларни бажаришга хизмат қилади. Бироқ улар сонининг кўплиги, бу тизимда тез ўзгаришлар юз

бериши туфайли солиқдан бўйин товлаш имконияти кенгаяди, уларнинг ундирилишини қийинлаштиради.

Солиқ, тизими зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилган:

1. Бюджет даромадларини тез ва тўлиқ изчил қилинишини таъминлаш;
2. Ишлаб чиқариш ва истеъмолни тартибга солиш учун зарур шароитларни яратиш.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

- Ҳуқуқий асосларига кўра (Солиқларни фақат қонунлар билан жорий этилиши асосан барқарор тусга эга эканлиги, жорий этилиши ва бекор қилиниши давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилиши);
- Солиқларни хусоблаб чиқиш ва тўлаш ягона тамойиллар ва механизмлар ёрдамида амалга оширилади;
- Солиқ, тўловчиларга тенг муносабат;
- Тўғри ва эгри солиқларнинг ўзаро уйғунлаштирилганлиги;
- Солиқ қонунчилигини бузган шахсларга қатъий жазалив ва ҳуқуқий санкцияларнинг қўлланилиши;
- Солиқ тўловчи ахборот ва маслаҳат олиш ҳуқуқига эга эканлиги;
- Солиқ тўловчи ҳуқуқлари ҳимоя қилинишининг кафолатланганлиги.

Солиққа оид қонунчиликда Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими тамойиллари белгиланган бўлиб, улар:

Ҳар бир шахс (юридик ва жисмоний шахс) қонунларда белгиланган солиқларни тўлашга мажбур эканлиги;

1. Солиқлар давлат ва жамият фаолиятини молиявий таъминлаш учун жорий этилиши;

3. Солиқлар сиёсий, диний, ғоявий, этник ёки бошқа шунга ўхшаш мулохазаларга кўра жорий этилиши мумкин эмаслиги;

4. Қонунда кўзда тутилмаган солиқларни жорий этилишига йўл қўйилмаслиги кабилардан иборат.

5. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими қуйидагича таснифланиши мумкин.

6. Солиқ объекти, солиқ тўловчи ва давлат ўртасидаги муносабатларига кўра тўғри солиқлар ва эгри солиқлар мавжуд.

Тўғри солиқлар шахсларнинг даромадларидан, мол-мулкларидан олинади.

Эгри солиқлар товар ёки хизмат нархига кушилади ва солиқ тўловчи бу солиқдан истеъмолчи (харидор, буюртмачи)дан товарни сотган пайтида унинг баҳосига қўшиб қайтариб олади. Яъни эгри солиқларнинг тўловчилари аслида харидорлар, яъни истеъмолчи-лар ҳисобланадилар. Бундай солиқлар қаторига аксиз, қўшилган қиймат солиғи, божхона тўловлари киради.

1. Фойдаланиш мақсадига кўра солиқлар умумий солиқлар (масалан, даромад солиғи, аксиз, ҚҚС ва махсус солиқларга (ёқилғи учун солиқ инфратузилмани ривожлантириш солиғи ва бошқалар) бўлинади.

2. Солиқ олувчилар бўлган давлат органлари турига кўра: Республика солиқлари ва маҳаллий солиқларга бўлинади.

"Солиқ кодекси"нинг 6-моддасига кўра умумдавлат солиқлари қаторига:

- Юридик шахслар даромади (фойдаси)га солинадиган солиқ
- Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ;
- Қўшилган қиймат солиғи;
- Аксиз солиғи;
- Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ.
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

"Солиқ кодекси"нинг 7-моддасида маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг қуйидаги турлари назарда тутилган:

- Мулк солиғи;
- Ер солиғи;
- Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
- Транспорт воситаларига ёқилғи истеъмоли учун солиқ;
- Савдо- сотиқ ҳуқуқини берувчи йиғим;
- Автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим;
- Ободончилик ишлари учун йиғим;
- Айрим шахсларни, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлиги учун йиғим.

Бунда мулк солиғи ва ер солиғи Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари билан жорий этилади, республиканинг бутун ҳудудида амал қилади. қолган маҳаллий солиқлар Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар давлат ҳокимияти органлари томонидан жорий этилади, уларнинг энг кўп ставкалари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгилаб қўйилади. Маҳаллий солиқлар маҳаллий бюджетга ўтказилади.

Янги маҳаллий солиқларни жорий этишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишиб олинади, солиқлар жорий этилиши пайтида солиқ, тўловчилар доираси белгиланади. Юридик ва жисмоний шахслар солиқ тўловчилар ҳисобланадилар. Корхоналарнинг филиаллари ва бошқа алоҳида бўлаклари фаолият юритаётган ҳудудда ўз корхоналари номидан солиқ тўловчи вазифасини бажаради.

Солиқ солиш мақсадида кафилланган (ўзаро боғлиқ, бўлган) шахслар тушунчаси қўлланилади, улар ўртасида қуйидаги ҳолатлар туфайли ўзаро юзага келиши ва бундай боғлиқлик солиқ, муносабатларида муайян оқибатларга сабаб бўлиши мумкин:

1. Бир шахс (юридик ёки жисмоний шахс) бошқа шахснинг мулкида иштирок этади. (Масалан, акцияли жамиятлар акциясининг беш фоиздан, 35

фоиздан кўпроқ қисмига эга бўлишлик ва бу даромадлар, улардан тўланиши лозим бўлган солиқларда аҳамиятга эга бўлади.

2. Бир жисмоний шахс бошқа мансабдор жисмоний шахсга ўз хизмат мавқеи бўйича буйсунади;

3. Жисмоний шахс Ўзбекистон Республикаси оила қонунчилигига кўра яқин қариндошлик куда-андачилик, фарзандликка олиш, хомийлик ёки васийлик муносабатида бўлади. Солиққа тортиш пайтида кафилланган шахслар эътиборга олинмоғи лозим.

4. Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида белгиланган.

Уларнинг ҳуқуқлари жумласига қуйидагилар киради, яъни солиқ тўловчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1. Солиқ органларидан солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатлари масалалари бўйича ахборот ва маслаҳатлар олиш;

2. Ушбу Кодекста ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ва асосларда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш;

3. Бюджетга ортиқча миқдорда тушган солиқлар ва йиғимлар суммасини қайтариш тўғрисида ёзма ариза билан мурожаат қилиш;

4. Солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини бажариш юзасидан солиқ органларидаги мавжуд маълумотлар билан танишиш;

5. Солиқ органлари ўтказган текширув материаллари билан танишиш ва текширув далолатномаларини олиш, текширувларнинг натижаларидан норози бўлинган тақдирда солиқ органига ёзма эътирозларни ўн кунлик муддат ичида тақдим этиш;

6. Солиқ органларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари устидан юқори солиқ, органларига ёки судга шикоят қилиш;

7. Солиқ солиш объектини ҳисобга олишда, солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашда йўл қўйилган хатоларни мустақил равишда тузатиш;

8. Солиқ, тўловчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, солиқ органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ваколатлари ҳақида маълумот;

9. Солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонунчиликнинг қўлланилиши хусусида ёзма тушунтиришлар олиш;

10. Солиқ предмети инвестиция солиқ кредита, солиқ тўлашни кечиктириш ҳуқуқига эга бўлиш;

11. Солиқ органларида ўз ҳуқуқларини шахсан ўзи ёки вакиллари орқали ҳимоя қилиш;

12. Солиқ текширишлари пайтида қатнашиш;

13. Солиқ текширишга оид далолатинома нусхасини олиш;

14. Солиқ сирлари сақланишини талаб қилишга;

15. Етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплаб беришлигини талаб қилишга ҳақли.

Солиқ тўловчи қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

Солиқ, тўловчи муайян мажбуриятларни ҳам бажариши лозим. Унинг мажбуриятлари қаторига қуйидагилар киради:

1. Белгиланган тартибда ва муддатларда солиқ органларидан руйхатдан ўтиш, юридик манзили ўзгарган тақдирда эса бу ҳамма солиқ органига ўн кун муддат ичида хабар бериш;

2. Солиқлар ва йиғимларнинг тегишли суммасини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлаш;

3. Бухгалтерия ҳисобини ва ҳисоб ҳужжатларини қонун ҳужжатларига мувофиқ юритиш;

4. Молиявий ҳисоботни, солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни ёки даромадлар тўғрисидаги декларацияларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ органларига тақдим этиш;

5. Солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш билан боғлиқ ҳужжатлар ва маълумотларни, шунингдек солиқлар ва йиғимлар юзасидан имтиёзлар ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни солиқ органларига тақдим этиш;

6. Солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш бадаллаларини текшириш учун солиқ органларининг мансабдор шахсларини даромад олиш ёки солиқ солиш объектларининг сақланиши билан боғлиқ бинолар ва жойларга киришига рухсат бериш;

7. Солиқ, органларининг солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларини бартараф этиш тўғрисидаги талабларини бажариш.

Булардан ташқари солиқ тўловчи юридик шахс ёки якка тадбиркор:

а) ҳисоб рақами очилгани ёки ёпилгани ҳақида беш кун ичида хабар бериши;

б) Ўзбекистон ва хорижий ташкилотлар фаолиятида иштирок этаётгани ҳақида 1 ой ичида солиқ органларини хабардор қилиш;

в) Ўз билимларини (алоҳида ҳолдаги) тўғрисида 1 ой ичида хабар берилиши.

г) Ўз фаолиятини тўхтатганида, тўлов қобилиятини йўқотишида уч кун ичида солиқ органларига хабар бериши;

д) Жойлашган манзили ўзгаргани тақдирда ўн кун ичида солиқ органларига хабар бериши лозим бўлади.

Солиқлар солиқ тўловчининг банк ҳисоб варағидан низосиз ундириб олипади. Корхона тугатилган, банкрот деб топилган тақдирда тугатиш комиссияси томонидан солиқ ундириш ҳаракатлари ижро қилинади. қайта ташкил этилган юридик шахс солиқлари унинг ҳуқуқий вориси томонидан тўланади.

Солиқ органлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кумитаси, вилоятлар солиқ бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида Давлат Солиқ Бош бошқармалари, туман (шаҳар) Давлат Солиқ, инспекциялари, участка солиқ инспекторлари

хисобланади. Уларнинг фаолияти "Солиқ кодекси", "Давлат солиқ, хизмати тўғрисида"ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Давлат солиқ органларига қуйидаги ваколатлар берилган:

1. Солиқ, тўловчи ҳужжатларини текшириш;
2. Текшириш вақтида юзага келадиган масалалар юзасидан ҳужжатларни талаб қилиб олиш, оғзаки ва ёзма тушунтиришлар олиш;
3. Солиқ тўловчилар фаолиятига оид ахборотлар, маълумотлар, ҳужжатларни талаб қилиб олиш;
4. Солиқ тўловчилардан ҳуқуқбузарликка оид ҳужжатлар ва шунга доир предметларни олиб қўйиш;
5. Тадбиркорлик субъектларидан лицензиялар, патентлар ёки руйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномаларни олиб қўйиш;
6. Кассалар, товар омборлари, ҳужжатлар сақланадиган жойларни муҳрлаб қўйиш;
7. Ишлаб чиқариш бинолари, иш жойларини текшириш, ўлчаш ва рўйхатга олиш ишларини амалга ошириш;
8. Тадбиркорлик субъектларидан қонун бузилиши ҳолати бартараф этилишини талаб қилиш;
9. Тадбиркорлик субъектлари банклардаги ҳисоб-китоб операцияларини қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибларда тўхтатиб қўйиш;
10. Солиққа оид қонунбузарлик ишларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўриб чиқиш, уларга тегишли ҳолларда молиявий жазо қўллаш;
11. Солиқ қонунчилиги бўзилиши объекти бўлган товар-моддий бойликлар ва пул маблағларини белгиланган тартибда мусодара қилиш;
12. Солиқлар бўйича боқиманҳаларни қонун ҳужжатларига асосан сўзсиз ундириб олиш;
13. Ҳайриқонуний равишда олинган даромадларни давлат даро-мадига олиш ҳақида даъво қўзғатиш;
14. Хўжалик субъектларини тафтиш қилиш;
15. Даромадлар ёки солиққа тортиш объектлари бузилгани тақдирда белгиланган тартибда ва ўз ваколатлари доирасида суриштирув ўтказиш, жиноий ишлар қўзғатиш. Улар қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

Давлат солиқ, хизмати органлари зиммасига қуйидаги мажбуриятлар юклатилган:

-Солиқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқлар тўғри ҳисоблаб чиқилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат қилиш;

-Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, солиқ тўловчиларга солиқ бўйича мажбуриятларни бажаришларида ёрдам кўрсатиш;

- Солиқ сиёсатининг рўёбга чиқарилишида бевосита қатнашиш;
- Солиққа тортиладиган объектлар ва субъектларнинг тўлиқ ҳамда ўз вақтида ҳисобга олинишини таъминлаш;
- Солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш.

Давлат солиқ хизмати органлари зиммасига қуйида санаб ўтилган мажбуриятлар юклатилган:

1. Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқларнинг тўғри ҳисоблаб чиқилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан давлат назоратини амалга оширишлари, ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этишлари;

2. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишлари;

3. Солиққа тортиладиган субъектлар ва объектлар, ҳисоблаб чиқарилган ва тўланган солиқларнинг тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олинишини, шунингдек жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибига риоя этишлари устидан назоратни таъминлашлари;

4. Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича йўриқнома материаллар, услубий кўрсатмалар ва қўлланмалар ишлаб чиқиш ва нашр этишлари;

5. Солиқлар бўйича текширувлар ўтказилаётган вақтда солиқ тўловчиларга уларнинг ҳуқуқлари ва вазифаларини тушунтиришлари;

6. Солиқ тўловчиларга ўтказилган текширувлар натижаларини маълум қилишлари;

7. Солиқ тўловчиларга солиқ, ҳақидаги қонунлар ва норматив ҳужжатларни ўз вақтида етказишлари;

8. Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузиш фактларини тўплаш, таҳдил этиш ва баҳолашлари ҳамда солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликларга оид очиб бераётган сабаблар ва шароитларни бартараф этиш тўғрисида тегишли органларга таклифлар киритишлари;

9. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликларга қарши курашнинг узоқ муддатли ва жорий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишлари;

10. Солиқларга оид қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа ахборотларни текширишлари;

11. Юридик ва жисмоний шахсларга улар солиқ тўловчи сифатида руйхатга олинганликлари, тўғрисидаги ҳужжатларни, руйхатдан ўтказиш (идентификациялаш) тартиб рақамларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда беришлари;

12. Мусодара қилинган, эгасиз мол-мулк хазиналар, мерос ҳуқуқи бўйича давлатга ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ўтган мол-мулкнинг ҳисобини юритишлари, уларни баҳолашлари ва уларнинг реализация қилинишини назорат этишлари;

13. Масалани хал этиш давлат солиқ хизмати органларининг ваколат доирасидан чиққан ҳолларда қонун ҳужжатларини бузиш фактларига оид материалларни прокуратура, ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати органларига ва судга оширишлари;

14. Юридик ва жисмоний шахслар валюта ҳамда экспорт-импорт операцияларини амалга оширишнинг белгиланган тартибига риоя этишларини ўз ваколатлари доирасида назорат қилиш;

15. Солиқ тўловчига оид маълумотлар махфийлигини таъминлаш;

16. Ўзларига бўйсунадиган бўлимлар фаолиятини назорат қилиш шарт. Давлат солиқ хизмати органлари зиммасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

Солиқда тортиш элементлари:

- Солиққа тортиш объекти;
- Солиқ солиш базаси;
- Солиқ олиш даври;
- Солиқ ставкаси;
- Солиқди ҳисоблаб чиқиш тартиби ҳисобланади.

Солиқ солиш объекти - жами даромад билан солиқ қонунчилигида белгиланган чегирмалар ўртасидаги фарқ мулк қиймати ва бошқалар ҳисобланиши мумкин.

Солиқ олиш базаси - бу солиқ солиш объектининг қиймат, жисмоний ўлчовлар ёки бошқа кўрсаткичлардаги баҳосидан иборат.

Солиқ ставкаси эса солиқ базаси улчов бирлигига солинадиган солиқ миқдоридан иборат бўлади.

Юридик шахс саналувчи солиқ тўловчилар ҳар бир солиқ тўлаш даври (ой, квартал, йил) бўйича бухгалтерия ҳисобларига кўра ҳисоблаб чиқаради.

Солиқ солиш даври - бу йил ёки бошқа турдаги вақт ўлчовлари билан ҳисобладиган ва шу асосда солиқ солиш базаси ҳамда солиқ суммаси аниқладиган вақт оралиғидан иборат.

Солиқ соҳасида бериладиган имтиёзлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу имтиёзлар муайян тоифадаги солиқ тўловчиларга солиқларни бутунлай, қисман ёки пасайтирилган ставкаларда тўлаш ҳуқуқини беради. Имтиёзларга оид солиқ қонунчилиги қоидалари оммавий хусусиятга эга бўлади.

Солиқ тўлаш муддатлари ҳар бир солиқ тури учун алоҳида ҳолда белгиланган бўлиб, бу муддатларнинг бузилиши айбдорга мулкый санкция (пеня, жарима) қўлланилишига сабаб бўлади.

Солиқ тўлашни кечиктириб туриш ёки бўлиб-бўлиб тўлашга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилиши мумкин.

Солиқлар ва йиғимларни тўлаш юридик шахслар томонидан нақд пулсиз тартибда тегишли суммани бюджет таснифининг тегишли бўлими параграфига ўтказиш йўли билан ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Нақд пулсиз тартибда маблағ тўловчининг ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилган кун, нақд пул тўлашда эса - амалда тўланган кун солиқлар йиғимлар тўланган сана ҳисобланади.

Солиқ тўловчи солиқлар ва йиғимларни ортиқча суммада тўлаган ставкада, агар унинг солиқлар ва йиғимлар бўйича қарзи бўлмаса, бу суммалар солиқ тўловчига унинг ёзма аризасига кўра ўттиз кун ичида қайтариб берилади ёки келгуси тўловлар ҳисобига ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни олиб киришда тўланган солиқлар ва йиғимлар суммалари мазкур товарларни Республикадан олиб чиқиб кетишда божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қайтарилади. Солиқлар ва йиғимлар бюджетга қуйидаги тартибда ўтказилади:

- асосий сумма;
- ҳисоблаб чиқарилган пеня;
- жарималар.

Табиатан бозор иқтисодиёти давлат томонидан тартибга солинадиган иқтисодиёт ҳисобланади. Давлат томонидан бошқарилмайдиган ва самарали амал қилаётган бозор иқтисодиёти тасаввур қилиш қийин. Бу борада айрим иқтисодчиларнинг бозор иқтисодиётини соф ўз-ўзини бошқарувчи иқтисодий тизим, иқтисодий қонуниятлар унга давлатнинг аралашшини мутлақо ҳожати йўқ, деган фикрларига қўшилмаслигимизни таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Бозор иқтисодиётини қайси усулда, қандай шаклда ва қайси омиллари ёрдамида бошқарилиши, бу бутунлай бошқа масалалар. Бу ерда ҳар хил усуллар бўлиши мумкин. Бироқ, бу усуллар ва шакллар қандай бўлмасин, барибир, бошқариш тизимида солиқ механизми марказий ўрин эгаллайди.

Солиқ ставкаларига ўзгартиришлар киритиш, солиқлар бўйича имтиёзлар ҳамда жарималардан фойдаланиш, баъзи бир солиқларни жорий қилиш билан бирга бошқаларни бекор қилиш ва бошқалар ёрдамида давлат, алоҳида олинган тармоқёки ишлаб чиқариш соҳасини тезроқ ривожланиши учун шароит яратиш беради. Шу билан бирга давлат, жамиятда мавжуд бўлган айрим долзарб муаммолар ҳал қилинишига кўмаклашади.

Ҳозирги кунда иқтисодиётни молия механизми ва айниқса, унинг энг фаол қисми бўлган солиқ механизми ёрдамида иқтисодиётни бошқаришнинг моҳияти ва аҳамиятини ўрганиш, унинг энг оқилона услубларини қидириб топиш ўта мураккаб ва серқирра муаммолардан биридир. Солиқ механизми орқали иқтисодиёт-умумжамиyat манфаатлари йўлида уларнинг иқтисодий фаолиятига таъсир ўтказиш орқали у ёки бу йўналишга йўналтириб турилади.

Ставкалари жуда юқори бўлган солиқлар ва ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиши фойда нормасини камайиши каби салбий ҳолларни келтириб чиқариши мумкин, бу эса охир-оқибатда, бюджет даромадига салбий таъсир этмаган ҳолда, ишлаб чиқариш ўсишини таъминловчи шундай бир кичик ҳажмга эга бўлган солиқ ставкаси кераклиги заруратини туғдиради.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида солиқ тизимини такомиллаштириб боришда, хорижий мамлакатлардаги солиқ ставкаларини

ўрнатиш, уларни тўлиқ ва ўз вақтида келиб тушушини назорат қилиш тажрибаларини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Давлатнинг иқтисодийётга аралашуви, бозор муносабатлари шароитида иқтисодийётнинг таркибий тузилишига катта таъсир кўрсатади. Бундай аралашувнинг объектив зарурияти мамлакатда доимий иқтисодий ўсишни таъминлайди.

Бундан ташқари, товар экспорти ва импортини эътиборга олган ҳолда ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириб туриш ва меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш каби давлат иқтисодий сиёсатининг турли йўналишлари иқтисодийётни тартибга солиб туришда ўз аксини топади.



1.3. Бюджет сиёсати ва солиқ сиёсатининг такомиллаштирилиши йўналишлари.

Бюджет сиёсати. Молиявий сиёсат тамойилидан, яъни биринчи даражали жамият эҳтиёжларини ва бу эҳтиёжларни қондириш ҳамда молиявий ресурслардан фойдаланишни устивор йўналишларини аниқлаш, ҳамда молиявий ресурсларни шаклланиши манбаларини ва услубларини танлашдан келиб чиққан ҳолда қуйидагилар давлат томонидан бюджет сиёсатини олиб бориш асосини ташкил этади:

1. Давлат бюджети даромадлари шаклланишини манбаларини аниқлаш;
2. Бюджет харажатлари устивор йўналишларини аниқлаш;
3. Бюджет дисбалансини йўл қўйилиши мумкин бўлган чегараларини аниқлаш;
4. Бюджет тақчиллигини молиялаштириш манбаларини;
5. Бюджет тизимидаги алоҳида бўғинлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тамойилларини аниқлаш.

Шу билан бирга бюджет сиёсати таркибида солиқ сиёсати, инвестиция сиёсати, давлат қарзларини бошқариш сиёсати ҳам олиб борилади.

Давлатнинг унга юклатилган вазифаларнинг бажарилиши ундаги мавжуд зарур молиявий ресурслар билан боғлиқ, бу эса ўз навбатида давлат томонидан тузилган пул маблағлари қисмини бюджетда тўпланишини талаб этади.

Бюджетда бу маблағларни сарфланиши давомида ва улардан фойдаланишда давлат билан солиқ тўловчилар ва бюджет ажратмалари олувчилар ўртасида молиявий муносабатлар ўрнатилади. Бу муносабатлар ҳокимият органлари томонидан ишлаб чиқилган ва амалга ошириладиган молия бюджет сиёсатига мувофиқ йўлга қўйилади. Молия бюджет сиёсати ўз ичига давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг солиқ, пул-кредит, баҳолаш ва бошқа молиявий соҳалардаги фаолиятларини олади.

Молия-бюджет сиёсати - бу ҳокимлик органлари томонидан ўтказиладиган тадбирлар ва ҳаракатлар йиғиндиси бўлиб, у бюджет тизимини бошқаришда ва уларни ўз вазифаларини бажаришлари учун молиявий муносабатлардан фойдаланишлари бўйича молия бюджет соҳасидаги мақсад ва вазифаларни аниқлашни кўзда тутаяди, бюджетдаги пул маблағларини сафарбар этиш механизминини ишлатилиш йўналишларини танлайди ва бюджет тизимида молия бюджет инструментлари ёрдамида иқтисодий ва ижтимоий жараёнларини тартибга солишни ташкил этади.

Молия бюджет сиёсати асосан ҳокимлик органлари томонидан ишлаб чиқилган бюджетга маблағларни сафарбар этиш ва улардан фойдаланиш борасидаги тадбирлар бўйича, яъни бюджет жараёнида амалга оширилади.

Ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро органлари томонидан молия бюджет сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ва бюджет тизимини бошқариш бўйича ҳаракатлар – тадбирлар йиғиндиси бюджет жараёни дейилади.

Бюджет маҳаллий даражада ҳокимлик органларининг қарорларига мувофиқ аниқланади. Бу сиёсатни молия ва солиқ органлари, пул-кредитни тартибга солиш органлари, ҳисоб-китоб назорати органлари ўз фаолиятида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасида бюджет ижроси муддати календар йилининг 1 январидан 31 декабригача бўлган давр этиб белгиланган.

Бюджет жараёнининг давомийлиги бюджет давридан айтарли даражадан кўпроқ чунки, бюджет жараёнида бюджетни режалаштириш, навбатдаги бюджет назорати ва бошқа ҳаракатлар учун зарур вақтни ўз ичига олади.

Бюджет қонунчилигига мувофиқ тақсимланган, яъни бюджет жараёнида қатнашиш ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлган органлар амалга оширади.

Шундай ҳуқуқлар қуйидагилар бўйича бўлинган:

- ижроия ҳокимият ва вакиллик органлари;
- молия ва солиқ органлари;
- пул-кредитни тартибга солувчи органлар ва давлат молия назорат органлари;
- бюджет маблағларини бош тақсимловчилар ва бюджет маблағларини тақсимловчилар;

- бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармалар.

Ҳокимиятнинг вакиллик органлари бюджет лойиҳаларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди, уларнинг ижроси бўйича ҳисобот тайёрлайди.

Ҳокимликнинг ижроия органлари жамланган молия режаларини амалга оширади, бюджет лойиҳаларини тузади, бюджет лойиҳасини ҳокимликнинг вакиллик органларида кўриб чиқиш учун тавсия этади.

Марказий банк ҳукумат билан биргаликда давлатнинг пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқади ва Олий Мажлисда муҳокама қилиш учун тақдим этади, бу жараёни амалга оширишга давлат бюджети хазинасининг пул ҳисоб-китоб рақамлари, давлат мақсадли бюджетдан ташқари жамғармаларнинг ҳисоб-китоб рақамлари ва маҳаллий бюджетларнинг ҳисоб-китоб рақамлари хизмат қилади.²

Бюджет маблағларини бош (тақсимотчи) бошқарувчи- бу ҳокимиятнинг ижроия органлари бюджет маблағларини тўғридан-тўғри биринчи олувчилар бўлиб, улар бюджет маблағларини бошқарувчилар ва олувчилар ўртасида тақсимлаш ҳуқуқига эга.

У бюджет маблағлари бошқарувчилари ва бюджетдан олувчилар бўйича бюджет харажатлари рўйхатини тайёрлайди ва уларга бюджет тайинланиш ҳақида хабар етказади, ҳамда даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлайди, зарур ҳолларда тасдиқланган сметадаги маблағларни моддалар бўйича тақсимотига ўзгартириш киритади, бюджет олувчилар томонидан бюджет маблағларининг унумли, мақсадли ишлатилиш юзасидан назоратни амалга оширади.

Бюджет маблағларини бошқарувчи- бу ижроия ҳокимиятининг органи маблағларни бюджет олувчилар ўртасида тақсимлайди, уларга бюджет ажратмалари ҳақида хабарнома етказади, бюджет олувчилар даромадлари ва харажатлари сметасини тасдиқлайди,

Уларни бюджет маблағларидан тўлиқ мақсадли фойдаланишларини назорат этади.

Бюджет олувчи (бюджет муассасаси)–бу ташкилот, ҳокимиятнинг ижроия органлари томонидан тузилган тижоратдан холи бўлган характердаги вазифаларни амалга оширади (бошқарув , мудофаа, ижтимоий-маданий тадбирлар ва бошқалар) ва смета тартибида бюджет ёки бюджетдан ташқари жамғармалар орқали молиялаштирилади.

Назорат ҳисоб-китоб органлари бюджетга мувофиқ ва бюджетдан ташқари жамғармалар ижроси бўйича назоратни амалга оширади, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар ижроси бўйича ташқи аудит текширув олиб боради.

Юқорида қайд этилган ҳокимлик органлари ва муассасалар бюджет жараёнининг қатнашчилари ҳисобланади. Бюджет жараёни ўз ичига қуйидагиларни олади:

- жамланган молиявий режалаштириш ва тахминлаштириш;
- бюджет лойиҳасини тузиш, муҳокама этиш ва тасдиқлаш;

² Жамолов Х.Н. Бюджетлараро муносабатларни мувофиқлаштириш. Т.: ТМИ, 2001. –186б.

- бюджет йили давомида бюджет ижроси;
- бюджет ижросининг назорати ва тахлили.

Давлат бюджетининг иқтисодий моҳиятини очиб беришда, унинг иқтисодиётимизда тутган ўрнини Президентимиз, ҳурматли И.А.Каримов «Иқтисодиётни барқарорлаштириш – бозорни шакллантириш йўлидаги қонуний ва муқаррар босқичдир. Мана шу босқичда қуйидагилар энг муҳим ва биринчи навбатдаги чоралар сифатида олға сурилади:

Республика бюджетидаги тақчилликни чеклашга ва уни изчиллик билан жуда камайтиришга қаратилган қаттиқ молиявий сиёсатни ўтказиш, бошқарув аппаратини сақлаш учун давлат маблағлари сарфлашни, зарар кўрувчи корхоналарга ва бошқа нозарур мақсадларга дотация ажратишни камайтиришга қаратилган йўл изчиллик билан ўтказилади. Бюджет маблағлари сира кечиктириб бўлмайдиган давлат эҳтиёжлари ва ижтимоий эҳтиёжларга ажратилади»³– деган фикр билан аниқлаб берган эди.

Давлат молиявий ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш даставвал давлат бюджети ҳамда бошқа бюджетдан ташқари фоизлар билан боғлиқдир.

Бюджет муносабатлари корхоналар, муассасалар ва аҳоли билан давлат ўртасида пайдо бўладиган, ҳамда марказлаштирилган пул маблағлари фоизини шакллантириш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ молиявий муносабатларни билдиради.

Давлат бюджетига давлатни молиявий функцияларини амалга ошириш воситаси сифатида қараш лозим.

“Давлат бюджети – давлат пул маблағларининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушимлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади” (Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет Кодекси”).

Давлат даромадлари солиқлар, солиқ бўлмаган мажбурий тўловлар ва олинган қарзлардан ташкил топади. Таъкидлаш лозимки, давлат олган қарзларнинг хаммаси ҳам ва ҳар қандай мамлакатларда ҳам давлат бюджети даромадларига қўшилавермайди. Масалан, Японияда навбатдаги фискал йил учун бюджетни Парламент томонидан тасдиқлаш жараёнида маъқулланган давлат қарзларининг бир қисми бюджет даромадларига олиб борилади, қарзларни давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш жараёнида олинган қисми эса (ҳам солиқ манбаларини, ҳам қарзлар манбаларини ўз ичига олган бюджетни), бюджет тақчиллигига тааллуқли бўлади. Шундай амалиёт ҳамма мамлакатларда ҳам қабул қилинмаган ва давлат қарзлари давлат даромадларига солиқлар ҳамда бошқа солиқ бўлмаган мажбурий тўловлар етарли бўлмаган ҳолатда амалга оширилади, яъни фискал тақчиллик суммасида амалга оширилади.

³ И.А.Каримов «Ўзбекистон буюк келажак сари» .Т.:Ўзбекистон.1998.112-бет.

Хукумат (давлат) харажатлари жуда умумий кўринишда давлат томонидан товар ва хизматларни харид қилиш ва трансфорт тўловларини билдиради. Давлат харидларини ҳамда давлат трансфортларини бир-биридан ажратиш лозим. Давлат харидлари, масалан, курул-яроқ сотиб олиш қурилиш, судьялар хизматини, ўқитувчилар, давлат аппарати ишчилари хизматлари ҳақини тўлаш ва бошқаларни ўз ичига олади. Трансфорт тўловлари - бу жамият аъзоларининг маълум бир қисмига ишсизлик нафақалари, ижтимоий суғурта бўйича тўловлар, ветеранларга нафақалар шаклида, солиқ тўловчилардан олинган солиқ даромадларини қайта тақсимловчи тўловлардир.

Давлат бюджети одатда, республика бюджети ҳамда маҳаллий бюджетлардан иборат бўлади. Жамиятда (мамлакатда) амал қиладиган бюджетлар мажмуаси бюджет тизими деб юритилади.

Давлатнинг бюджет тушуми ишлаб чиқилган (ягоналик) яхлитлик ва мустақиллик тамойиллари асосида тузилади.

Давлат томонидан фискал сиёсатни тутиб турувчи (чегараловчи) ёки кенгайтирувчи ҳолатида олиб борилиши мамлакат иқтисодиётини уни турли ривожланиш циклларида барқарорлаштиришга қаратилган.

Бюджетнинг даромадлар қисми жисмоний ва ҳукукий шахслардан олинадиган солиқлар, ташқи савдодан олинадиган бож ва шунга ўхшаш манбалар, ҳамда давлат корхоналарни сотилишидан тушган тушумлар ва хусусийлаштирилган корхоналар акциялари давлат улушидан келган фойдалар.

Бюджетдан ташқари фондлар – давлатнинг пул маблағлари ҳисобланиб, мақсадли йўналтирилади ва давлат бюджетига кирмайдиган жамғармалардир.

Ислохотлар даврида давлатнинг солиқ даромадлари кескин қисқарди, қайсики бу ишлаб чиқаришни пасайиши натижасида солиқ солинадиган базанинг қисқариши натижасидир, 1992 йилда бошланган лекин охиригача етказмаган солиқ ислохотлари ички талабнинг пастлиги, бизнесни яширин иқтисодиётга қараб кетиши ва солиқ тўлашдан оммавий равишда қочиш омиллари билан боғлиқдир.

Бюджетнинг даромад қисми пасаяди, унинг харажатлар қисми эса аста-секин қисқаради, лекин бюджетни мувозанати учун бу етарли эмас. Бундан ташқари бюджет режаларини даромадлар бўйича сурункали бажарилмаслиги харажатларни маълум бир гуруҳлар бўйича амалга ошириш, натижада харажатлар таркиби энг самарасиз равишда тузилди. Бу на ўсишни таминлаш қобилиятига эга на жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни етарли даражада сақлашда ёрдам бера олади.

Айрим таҳлилчилар кўпгина давлатларда қайсидир даврда бюджет тақчиллиги ЯИМ га нисбатан 5-7 % миқдорида амал қилинишини ҳисобга олиб Россиядаги бюджет тақчиллигини оғир даражада эмас деб ҳисоблайдилар. Аммо бундай тақчиллик ЯИМни 7 йиллик инқироз даврида 40 % миқдорида қисқарган ва каттагина давлат харажатларини (охирги 7 йил давомида Россия ЯИМ ҳар бир аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 40 % га

камайган, ЯИМ нинг ҳар бир аҳоли жон бошига тушувчи даражаси бўйича ҳозирги даврда Хитой, Албания, Доминикан республикаси, Перу ва Парагвай давлатлари билан тенгдир) амалга ошираётган ҳолатдаги давлат учун каттадир. Муаммонинг яна бир жихати, ички жамғаришнинг узоқ муддат сақлай олмайдиган ва унинг умумий даражасини сақлай олмайдиган хусусий молия системасининг бўшлиғи.

Юқоридаги мезонларга биноан Ўзбекистонда солиқ-бюджет сиёсатининг ривожига унча узвий босқични кўрсатмай бўлади.

Солиқ-бюджет сиёсатининг ривожланишининг биринчи босқичи.

Биринчи босқич мустақилликка эришганимиздан бошлаб 1994 йилгача бўлган даврни ўз ичига қамраб олиб миллий давлат молияси тизимининг шаклланиш даври бўлиб ҳисобланади. Бу босқич миллий даромаднинг катта қисмининг Давлат бюджетида мужассамлаштирилиб, давлатнинг миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлашдаги етакчи ўрни билан характерланади.

Бу даврда солиқ ва бюджет сиёсати миллий иқтисодиёт пойдеворини шакллантиришга, ишлаб чиқаришнинг янги тармоқларини ривожлантиришга ва самарали ижтимоий ҳимоя тизимини яратишга қаратилган эди. Айниқса, ўша пайтда Россияда ўтказилаётган “шок терапияси” сиёсати сабабли ижтимоий зарур товарларнинг нархи кескин ошиб кетганлиги оқибатларининг олдини олиш тадбирлари бюджет сиёсатининг энг долзарб масалаларидан бири бўлган эди. Жумладан ун, шакар, гўшт, сут, чой, гуруч ва бошқа ижтимоий аҳамиятга молик бўлган товарлар учун Давлат бюджетидан катта миқдордаги дотацияларнинг ажратилиши билан истеъмол нархларининг кескин ошишининг олди олинди, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларининг эҳтиёжлари қондирилди ва жамиятда ижтимоий барқарорлик ва ахиллик сақлаб қолинди.

Солиқ-бюджет сиёсатининг ривожланишининг иккинчи босқичи.

Иккинчи босқич 1994-1999 йилларни ўз ичига олиб, солиқ ва бюджет тизимининг барқарорлашуви ва структуравий жihatдан ривожланиши, ҳамда бюджет ижросининг халқаро андозаларга ўтилганлиги билан характерланади. Бунда бюджет ижросининг миллий валюта-сўмда амалга оширилиши ва Солиқ кодексининг (1998) қабул қилиниши натижасида давлат молияси тизими моҳияти жihatдан янги мазмун ва шаклга эга бўлди.

Солиқ сиёсатининг фундаментал масалалари бўлган солиқ турлари ва ставкалари, умумдавлат ва маҳаллий солиқлар классификацияси, солиққа тортиш методологиясининг асослари ва бошқа умумиқтисодий масалалар Солиқ кодексига аниқ ва равшан белгилаб берилди. Натижада Ўзбекистон Республикаси халқаро экспертлар чиғириғидан ўтган замонавий солиқ сиёсатининг барқарор ҳуқуқий пойдеворига эга бўлди.

Ўз навбатида Солиқ кодексига миллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар учун бир қатор имтиёзлар белгилаб берилди. Бу имтиёзлар қуйидаги мақсадларга қаратилди:

- ички бозорда истеъмол моллари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;
- экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш;

- қўшилган қиймат солиқидан озод этиш ва ягона ер солиқини жорий қилиш орқали қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётидаги алоҳида ўрнини таъминлаш;
- кичик ва ўрта тадбиркорликни рағбатлантириш;
- хорижий сармояларни жалб қилиш учун қулай молиявий шарт-шароит яратиш ва бошқалар.

Ҳаражатлар нуқтаи назардан қарасак давлат бюджетининг таркиби такомиллаштирилди, ҳаражатларнинг ижтимоий йўналганлиги кучайди, кўплаб турдаги ҳаражатларни дастурлар асосида молиялаштиришга ўтилди, маҳаллий бюджетларнинг роли ошди ва бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг ноинфляцион услублари амалга тақбиқ этилди.

Масалан, 1999 йилда бюджетдан маорифга, соғлиқни сақлашга, маданият, фан ва бошқа ижтимоий соҳаларга ажратилган маблағлар Давлат бюджети ҳаражатларининг 36,2%ини, ижтимоий ҳимоя ҳаражатлари 9.0% ини ёки барча ижтимоий ҳаражатлар жами бюджет ҳаражатларининг 45.2%ини ташкил этди. Бунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасидаги маориф ҳаражатлари жами бюджет ҳаражатларининг 24,2% идан ошиб кетди.

Охирги йилларда узлуксиз давом этиб келаётган иқтисодий ўсиш халқ фаровонлигининг ошишида ўз ифодасини топди. Оддий сўз билан айтганда, иқтисодий ўсишнинг статистика рақамлари аҳолининг ошаётган пул даромадларига айланди. Хусусан, биргина 1999 йилнинг ўзида энг кам иш ҳақи миқдори салкам 1,7 мартага оширилди ва нарх-наво ўсишини ҳисобга олган ҳолда энг кам иш ҳақи миқдори реал ҳисобларда деярли 1,5 баробар кўпайди. 2004 йилга келиб минимал иш ҳақи миқдори 6 минг сўмдан ортиқроқ миқдорни ташкил қилди.

Давлат молияси ривожининг иккинчи босқичининг муҳим натижаларидан бири Давлат бюджети тақчиллигининг халқаро талабларга мос бўлган ялпи ички махсулотга нисбатан 3 %дан ошмаганлигидир. Бунда, бюджет тақчиллигини молиялаштиришга жалб қилинаётган Марказий банк кредитлари ялпи ички махсулотга нисбатан 1,0 % дан ошмади. 1999 йилга келиб эса бюджет тақчиллиги ялпи ички махсулотга нисбатан бор йўғи 1,7 %ни ташкил қилди. 2003 йилда бюджет тақчиллиги ЯИМга нисбатан 1% га ижроси таъминланиб, инфляцион манбалар ҳисобига молиялаштиришдан бутунлай воз кечилди. 2004 йилга келиб бюджет тақчиллигининг 9 ойлик ижроси бўйича профицит билан ижроси таъминланди.

1994-1999 йилларни қамраб олган Давлат молияси ривожининг иккинчи босқичига хулоса қилиб айтганда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг солиқ ва бюджет сиёсати ўзининг самарадорлигини ҳаётда кўрсатди, мўътадил солиқ сиёсати ишлаб чиқаришнинг узлуксиз ўсишига асос бўлди, оқилона бюджет сиёсати эса мамлакатда макроиқтисодий барқарорликка эришишнинг молиявий пойдевори бўлди, ва қолаверса аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ишончли манбаига айланди.

Солиқ-бюджет сиёсатининг ривожланишининг учинчи босқичи.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлисининг биринчи чақириқ XIV сессиясидаги ва иккинчи чақириқ биринчи сессиясидаги маърузаларида белгилаб берилган жамият ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларини эркинлаштиришга қаратилган Бош стратегияси давлат молияси ривожининг **учинчи босқичини** бошлаб берди.

Шунга биноан, солиқ ва бюджет сиёсатининг истикбол йўналишлари деб қуйидагилар белгилаб олинди:

- иқтисодиётда давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик функцияларини қисқартириш;
- инфляцияни босқичма-босқич камайтириш ва уни йилига 6-8% гача тушириш;
- аҳоли даромадларининг узлуксиз ошишини таъминлаш;
- аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш тадбирларини изчан амалга ошириш;
- соғлом ва илғор ёш авлодни тарбиялаш учун тегишли шарт-шароитлар яратиш ва бошқалар.

Шуларга биноан, 2000 йилнинг ўзидаёқ, солиқ сиёсатига бир қатор ўзгаришлар киритилди. Хусусан, юридик шахслар учун фойда (даромад) солиғи ставкаси 33% дан 31% гача, аҳоли даромадларига солиқнинг энг юқори ставкаси 45 фоиздан 40 фоизгача пасайтирилди.

Экспортга махсулот чиқаришни рағбатлантириш мақсадида ишлаб чиқариш корхоналарининг бевосита ўз махсулотини экспорт қилишдан оладиган даромадлари фойда солиғидан (кичик корхоналар ягона солиқ бўйича) озод қилинди. Шу билан бирга, ишлаб чиқарилаётган жами махсулотнинг 25 фоиздан 50 фоизгача қисми экспортга жўнатилган тақдирда мулк солиғининг ярми тўланади, махсулотнинг 50 фоиз ва ундан ортиқ қисми экспорт қилинганда эса корхоналар ушбу солиқдан бутунлай озод қилинадилар.

Бундан ташқари чет эл сармояларини жалб қилиш, маҳаллий хом-ашёдан тайёр махсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида чет эл сармоялари иштирокидаги корхоналарга солинадиган фойда (даромад) солиғига нисбатан камайтириш коэффициенти жорий қилинди.

2000 йилда Давлат бюджети ҳаражатларининг барқарор таркиби асосан сақлаб қолинди, ижтимоий ҳаражатларнинг улуши янада оширилди, молиялаштириш тартиби соддалаштирилди, ҳамда бюджет даромадлари ва ҳаражатлари ўртасидаги мутаносиблик такомиллаштирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли қарори билан 2000 йилдан бошлаб бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибининг бутунлай янги тартиби жорий қилинди. Унга биноан бюджет ташкилотларининг мустақиллиги кенгайтирилди, раҳбарларнинг масъулияти оширилди, бюджетдан маблағларни олиш механизми соддалаштирилди, бюджет ташкилотлари ходимларини рағбатлантириш бўйича зарурий эркинликлар белгиланди. Ундан ташқари бюджет

ҳаражатларини молиялаштиришда соддалаштирилган ҳаражатлар классификацияси амалга тадбиқ этилди, бюджет ташкилотларига бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилишда имтиёзлар берилди, бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармасини тузишга рухсат этилди, уларнинг бюджетдан ташқари топган даромадлари икки йилгача барча турдаги солиқлардан озод қилинди.

Молиялаштиришнинг янги тартибига ўтишнинг бирламчи якунлари бўйича шуни айтиш мумкинки, берилган имтиёз ва ҳуқуқлар бюджет ташкилотларининг қўшимча даромад манбаларини топиш ва бюджет маблағларидан оқилона ва тежамли фойдаланиш юзасидан манфаатдорлигини кескин оширди, ҳамда кредитор қарзларнинг сезиларли камайишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил август ойидаги сессиясида “Бюджет тизими ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди ва матбуотда умумхалқ муҳокамаси учун чоп этилди. қонун лойиҳаси бир неча йиллар давомида нуфузли хорижий ва маҳаллий экспертлар иштирокида яратилди ва халқаро андозаларга мос келиши билан ажралиб туради. Ушбу қонуннинг умумхалқ муҳокамасига киритилиши алоҳида аҳамият касб этди. Чунки, Давлат бюджети мамлакатнинг ҳар бир фуқароси ҳаётига у ёки бу йўсинда таъсир ўтказиши муқаррардир. Жамиятнинг ҳар қандай аъзоси ёхуд солиқ тўловчи, ёхуд бюджетдан бевосита ёки билвосита ёрдам олувчи бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қонун лойиҳаси нафақат иқтисодчилар, молиячилар, олимлар ва талабалар томонидан, балки аҳолининг барча қатламларида қизғин муҳокама қилинди. Қонун лойиҳасининг муҳокамаси унинг янада бойишига, такомиллашувига ва қолаверса халқимизнинг хоҳиш-истакларига ҳамоханг бўлишига хизмат қилди. 2013 йилда эса Бюджет кодекси қабул қилинди.

Ўз навбатида унинг кучга киритилиши миллий бюджет тизими ривожининг бурилиш нуқтаси бўлиб, бюджет жараёнининг барча босқичларининг қонуний-меъёрий жиҳатдан кескин ривожланишига асос бўлади. Унинг қоидалари иқтисодиётни тартибга солишда, давлатнинг роли манфаатдорлик ва масъулиятни уйғотиш, ички молиявий ва моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилади.

Иқтисодиётни тартибга солишнинг яна бир усули - солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ҳисобланади. Солиқлар билан иқтисодиётни бошқариш, давлатни шундай фаолияти билан боғлиқки, у такрор ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келган номуносибликни йўқотиш учун шароит яратишдир. Бошқача қилиб айтганда, агар солиқларнинг баъзи тизими, ишлаб чиқа-ришни тартибга солишнинг давлат стратегия-сини аниқласа, унинг тактикаси, солиқ имтиёзлари орқапи амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришда, инвестициялар, илмий текширув ва тажриба конструкторлик ишларини рағбатлантириш ва тартибга солишда давлат томонидан солиқ имтиёзларидан кенг фойдаланилади.

Илмий техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, техник жиҳатдан қайта қуrolлантириш ва реконструкция қилишда ўз маблағларини

кенгайтиришни рағбатлантиришга қаратилган ёки асосий фондларни молиялаштириш мақсадида капитал қўйилмаларни узлуксиз равишда кўпайтириб борилиши лозим бўлган тармоқларга тўғридан-тўғри субсидия қилишда инвестицион солиқ кредити муҳим аҳамиятга эга.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки, ижтимоий йўналтирилган бозор иктисодиётига ўтишда Ўзбекистон Республикасида солиқ тизимининг табиркорлик фаолиятини ривожлантиришдаги роли ортиб бормоқда.

2-боб. Мамлакатни модернизациялаш шароитида бюджет-солиқ сиёсатининг яхлитлиги

2.1. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги зарурлиги.

Макроиктисодий жиҳатдан эса давлатнинг самарали бюджет-солиқ сиёсати инвестиция иқлимини яхшилаш, молиявий барқарорлик, пул ва молия бозорлари ривож, корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва аҳолининг реал даромадлари ўсишига имкон беради.

Солиқ тадбирлари бюджет тадбирларини тўлдириб туради ва улар биргаликда талаб мажмуасини ривожлантиришга, натижада эса ишлаб чиқаришни ҳам ривожлантиришга олиб келади. Бюджет-солиқ сиёсати пул-кредит сиёсати каби давлатнинг яхлит тадбирларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Иқтисодий ҳолатни кўтариш даврида давлат бюджет-солиқ ва пул-кредит сиёсатида қарама-қарши тадбирларни мужассамлаштириб туриш сиёсатини ўтказди. Ушбу даврдаги бюджет-солиқ сиёсати солиқлар ставкасининг кўтарилиши, давлат харажатлариинг қисқариши, амортизация сиёсатини ўтказиш доирасида чегараланишлар билан характерланади.

2. Молиявий барқарорликни таъминлаш. Бунинг учун, энг аввало, иқтисодий ислохотларни муваффақиятли ўтказишнинг асоси сифатида пул муомаласини барқарорлаштириш бўйича зарур чоралар кўриш даркор. Фақат барқарор пул тизими яратилган шароитида хўжалик механизмининг барча қатнашчилари ва ташкилий қисмлар ўртасида алоқалар ўрнатиш мумкин.

3. Инвестицион фаолликни ривожлантириш ва унинг миллий даромаддаги улушини кўпайтириш.

4. Бюджетнинг давлат дотациялари бўйича алоҳида моддий ишлаб чиқариш соҳаларига ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш. Харажатлар орқали бюджет, иқтисодиётни бошқариш ва ривожлантиришнинг муҳим дастаги бўлиб хизмат қилади.

5. Бюджетнинг даромад базасини, солиққа тортишни такомиллаштириш ва солиқларни тўлиқ тўланиши бўйича назоратни кучайтириш ҳисобига барқарорлаштириш. Солиқлар орқалн корхоналар фаолиятини рағбатлантириш рақобатбардошликни оширади, капитал йиғилиши учун қулай шароит яратади. Бунда турли солиқлардан имтиёзлар берилиб, иқтисодий ривожланиш учун замин яратилади.

6. Давлат харажатларини мақсадли ва самарали ташкил қилиниши бўйича молиявий назорат тизимини шакллантириш.

Ҳозирги кундаги энг долзарб масалалардан бири - бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлашдан иборат. Бунда асосий ўринни бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигига эришиш масаласи эгаллайди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида издан чиққан иқтисодиётни қайтадан куриш, янги жамият бошқарув тизимини шакллантириш, аҳолини «ижтимоий ларзаларсиз» бозор муносабатларига мослаштириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш жуда катта маблағларни талаб этди. Лекин бу

корхоналар зиммасидаги солиқ юкининг ортиб кетишига, улар иқтисодий аҳволининг ёмонлашувиغا олиб кедди. Шунинг учун кейинги йилларда асосий эътибор бюджет-солиқ сиёсатининг фақат фискал томонигина эмас, балки узоқ муддатли истиқболга эришиш мақсадида бюджет харажатлари таркибини қайтадан кўриб чиқиш ва солиқларнинг рағбатлантирувчи функциясини оширишга ҳам қаратилмоқда.

Бюджет уч таркибий қисмдан — харажатлар, даромадлар қисмлари ва улар балансидан иборат, яъни даромадларнинг харажатларга мувофиқлиги қондасига кўра тузилади. Бюджетни шакллантириш, аввало, унинг харажатлар қисмини тузиш йўли билан юз беради, чунки давлат ўзида мавжуд молиявий имкониятлардан келиб чиқибгина харажатлар қилиши мумкин.

Давлат, аввало, жамиятни самарали ривожлантириш мақсадида унинг зарур маблағлари ҳажмини белгилаш ва шундан кейингина ўз қўлида бўлган бюджет даромад қисмини тўлдиришнинг асосий воситаси солиқ ва бошқа манбалари ёрдамида ана шу молиявий ресурсларни жалб этиши керак. Бюджет-солиқ сиёсати маблағлар ҳаракатининг аниқ йўналишларини, миллий даромадни қайта тақсимлашни акс эттиради, бу эса унга мамлакатда иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни самарали бошқаришга имкон беради.

Иқтисодий ривожланишнинг турли босқичларда бюджет давлат сиёсатини амалга ошириш курали, мўлжалланган дастурлар ва тадбирларни амалга ошириш учун пул маблағларининг асосий манбаси ҳисобланади. Охир оқибатда айтиш мумкин у давлат ҳокимиятининг кундалик масалаларини ҳам, ривожланиш истиқболларини ҳам ҳал этишдаги салоҳиятни белгилайди.

Бюджет иқтисодийга, ишлаб чиқариш жараёнига, ҳўжалик ҳаётига давлат томонидан таъсир ўтказиш воситасидир, у давлат истеъмолининг молиявий асоси сифатида намоён бўлади ҳамда давлат томонидан муддатларга тўлиқ риоя этилмаслиги бюджет-солиқ сиёсатининг самарадорлигини пасайтиради, баъзан уни хавфли ҳам қилади: барқарорлаштириш ўрнига беқарорликка олиб келиши ҳам мумкин. Инфляция омили, пул муомаласининг барқарорлиги бюджет-солиқ сиёсатини (солиқларни камайтириш) натижаларини олиш пайтида иқтисодий тушқунлик босқичига ўтса, улар бирмунча, ноўрин бўлиши мумкин. Бунинг натижасида қуйидаги омиллар сабабли иқтисодий тушқунлик янада кучаяди.

1. Бюджет-солиқ сиёсатини амалга ошириш турли хил сиёсий муаммолар билан тўқнаш келади. Ҳукумат фаолияти, макроиқтисодий барқарорлаштиришдан ташқари, барқарорлаштириш вазифасига зид келиши мумкин бўлган бошқа мақсадларни ҳам кўзлайди. Бюджет-солиқ сиёсатидан жуда тез соф сиёсий натижаларга эришиш (ҳокимият тепасига келиш, ҳокимиятни қўлдан бермаслик) учун фойдаланилади. Солиқ юкининг камайиши давлат харажатларининг кўпайиши, одатда, турли хил сайлов олди тадбирлари бошланиши билан мувофиқ келиши аввалдан кўзга ташланиб келади. Бундан ташқари, бюджет сиёсатини доимо ҳамманинг кўз ўнгида сайловчилар мададига таянмоқчи бўлган сиёсатчилар (хатто, буни иқтисодий

зарурият талаб қилган тақдирда ҳам) солиқларни кўпайтиришга ёки ижтимоий эҳтиёжлар учун харжатларни камайитиришга журъат эта олмайдилар.

2. Макроиктисодий прогнозлаш муаммоси мавжуд. Қарорни ўз вақтида қабул қилишда ва ижронинг ўз вақтида амалга ошириш зарурлигини эътиборга олганда, бюджет-солиқ сиёсатининг муваффақияти макродаражада бўлғуси вазиятни олдиндан башорат қилиш мумкинлигига боғлиқдир. Масалан, 2002 йилда республикамизда ўтказилган «Ички истеъмол бозорини сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш ва савдо устидан банк назоратини ўрнатиш»га қаратилган бозорларни ёпиш сиёсати пул-кредит тизимининг номувофиқлигига, товарлар айланишининг секинлашувига, бюджетга тушумлар миқдорини камайитиришга, нақд пул массасини четга чиқишига, ишсизлик даражасининг ортишига сабаб бўлиб, бюджет солиқ сиёсати ва макроиктисодий барқарорликка ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Ҳар бир макроиктисодий сиёсат ўзининг натижаларини камида ярим йилдан кейин беради. Лекин, ярим йилдан сўнг иқтисодиёт тушкунлик ҳолатида бўладими, ривожланадими ёки бизнинг сиёсатимиз инфляция тўлқинини янада кучайтириб юборадими? Афсуски, илм-фаннинг ҳозирги ҳолати макроиктисодий сиёсат учун аниқлик билан узоқ муддатли ва ўрта муддатли прогнозлар қилиш имконини бермайди. Одатда, қисқа муддатли (2-3 ойга) прогнозларгина муваффақиятли бўлади.

3. Фаол макроиктисодий сиёсатнинг ҳозирги баъзи муҳолифлари ўз далил исботларида Лукас танқиди (рационал кузатишлар назарий мактабининг асосчиси Р. Лукас номи билан аталган) деган концепциядан фойдаланадилар. Лукас танқиди шундан иборатки, иқтисодий сиёсат натижаларини баҳолаш усуллари унинг иқтисодиёт субъектлари умидларини шакллантиришга таъсирини ҳисобга олмайди. Ваҳоланки, ушбу умидлар улкан ўрин эгаллаб, макроиктисодий сиёсатни кўпинча маъносиз қилиб қўяди. Чунончи, ҳукумат томонидан рағбатлантирувчи сиёсат ўтказилганда иқтисодиёт субъектлари муайян вақт ўтгандан сўнг инфляция сакраши юз беришини тушунадилар. Шунинг учун улар ўз режаларини янги вазиятни ҳисобга олиб тузадилар. Солиқлар камайитирилиши ёки давлат режаларини ўстириш тўғрисида ахборот олиниши биланоқ ресурсларни сотувчилар инфляцияни кутиб, ишлаб чиқариш омиллари нархини олдиндан оширадилар. Товар ва ресурслар нархининг ортиши истеъмолни камайитириб, иқтисодиётни ривожланишига тўсқинлик қилади. Бюджет-солиқ сиёсати самарасини пасайтирадиган омиллардан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- нархларнинг ўсиши (ҳақиқатда иқтисодиётни рағбатлантиришга доир чора-тадбирлар нафақат реал ЯИМ кўпайишига, балки инфляцияга ҳам олиб келиши мумкин);

- сиқиб чиқариш эффекти: солиқ ставкаларини камайитириш миллий жамғармаларини қисқартиради ва инвестициялар ҳажмини камайтиради;

- соф экспорт эффекти: солиқларни қисқартириш миллий жамғармалар миқдорини камайтиради, ички фойиз ставкасини оширади, хорижий

сармояларнинг қўшимча оқиб келишига олиб келади: натижада мамлакат валютасининг курси ошади ва соф экспорт миқдори қисқаради.

Бюджет-солиқ сиёсатининг рағбатлантирилиши билан ЯИМ кўпайганда кишилар фоиз ставкасининг ошишига қарамай, пулга бўлган талабни оширадилар, натижада фоиз ставкалари кескин ошиб, инвестициялар ҳажми қисқаради. Бозор даромадлариини кўпайтиришдаги бюджет-солиқ сиёсатининг ечими солиқ тизими ва солиқ сиёсати билан боғлиқдир. Ўзбекистоннинг солиқ сиёсатини ривожлантиришдаги асосий йўналиш бу давлат учун ҳам, бозор қатнашчилари учун ҳам қулай фискал шароитларни яратишдир. Бунда солиқ ислохотининг асосий мақсади фақат бюджет даромадларини кўпайтириш бўлиб қолмасдан, балки ишлаб чиқаришни ривожлантириш, тадбиркорлиқни рағбатлантириш ва фаолият фаоллигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим. Бунда қуйидагилар кўзда тутилади:

- солиқларни қисқартириш, солиққа тортиш базасини кенгайтириш, солиқ ставкаларини пасайтириш йўналишларида солиқ қонунчилигини такомиллаштириш;
- солиқ имтиёзларини қайта кўриб чиқиш;
- бир хил солиқ базасига эга бўлган солиқларни бирлаштириш;
- солиқ қонунчилигига риоя этиш устидан қатъий оператив назоратни жорий этиш.

Солиқлар бўйича боқимандалик муаммосини ечиш учун қуйидагилар зарурдир:

- солиқ тўловларини қарздор корхона ҳисобидан маблағлар олишни қонуний таъминлаш;
- қатъий равишда солиқлар бўйича қарздорликнинг мавжуд бўлишида банкротлик жараёнларини амалга ошириш;
- мулкдорларни ва корхона раҳбарларини солиқларни ўз вақтида бюджетга тўлаш бўйича жавобгарликни ошириш.

Айтиб ўтилган чораларни амалга киритиш бюджет-солиқ сиёсати самарадорлигини оширади. Улар ўртасидаги яхлитликни таъминлашга хизмат қилади ҳамда солиқ тизимини иқтисодий ўсишга эришиш вазифалари билан мувофиқлаштиришга ёрдам беради.

2.2. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлаш механизми


Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлашда давлат тадбирларининг йўналишлари қуйидагилардан таркиб топади:

- мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг жадал суръатларда ривожланишини таъминлаш;
- ялпи ички маҳсулотнинг изчил ўсишига эришиш, йиллик инфляция даражасини пасайтириш;
- мамлакатда қатъий пул-кредит сиёсатини амалга ошириш орқали миллий валюта қадрини мустаҳкамлаш, унинг эркин айирбошлашини таъминлашга эришиш;

- корхоналарга солиқ юкини камайитириш бўйича тадбирларни изчил *давом* эттириш, хўжалик субъектларининг инвестицион фаоллигини оширишга, уларнинг иқтисодий эркинлигини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, айниқса, кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қўшимча рағбатларни яратиш, ялпи ички маҳсулотнинг шаклланишида ва ички бозорни тўлдиришда уларнинг ролини ошириш;
- миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш учун қўшимча иқтисодий рағбатларни яратиш, хорижий инвестициялар жалб қилиш учун зарур шароитларни таъминлаш;
- бюджет маблағлари самарадорлигини ошириш мақсадида ғазначилик тизимини жорий этиш;
- бюджет ташкилотларини молиялаштиришда бюджетдан ташқари манбалар аҳамиятини ошириш ҳамда бюджет маблағларидан фойдаланишда уларнинг мустақиллигини кенгайтириш.

3-чизма

Молия бюджет механизмининг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсирининг асосий йўналишлари



Юқорида санаб ўтилган давлат тадбирлари, аввало, бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминловчи мезонлар ва омилларни белгилашда муҳим рол ўйнайди.

Давлат бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлашга бир қанча сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий омиллар таъсир кўрсатади. Бунга давлат тузилиши, сиёсий ҳолат, ички ва ташқи сиёсат йўналишлари, мамлакатдаги макроиқтисодий барқарорлик, аҳолининг иш билан таъминлаш даражаси, инфляция, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, инвесторлар учун

яратилган қулай инвестицион муҳитнинг мавжудлиги, аҳолининг турмуш даражаси ва бошқалар киради. Юқорида келтириб ўтилган омил ва мезонлар бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлашга билвосита таъсир кўрсатади. Лекин бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлашга бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар кам мавжудки, улар ушбу сиёсатни самарадорлигини белгилаб бериб, давлат тадбирларининг энг муҳим дастаклари ҳисобланади. Фикримизча, бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлашга бевосита таъсир этувчи омиллар ва мезонлар таркибига 3-чизмада кўрсатилган омиллар ва мезонлар киради.

4-чизма

**Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлашга бевосита таъсир
этувчи омиллар ва мезонлар**

Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигига таъсир этувчи омиллар	Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигига таъсир этувчи мезонлар
Бюджет даромадларининг таркиби, тузилиши ва йўналишларига боғлиқ омиллар	-бюджет даромадларида солиқли ва солиқсиз тўловлар нисбатининг ўзгариши; -янги солиқ ва тўловларни жорий этиш, самарасиз солиқлар ва тўловларни бекор қилиш, солиқсиз тўловларнинг бюджетдаги ролини ошириш; -юридик ва жисмоний шахслар учун солиқ юкини пасайтириш, солиқ базасини камайитириш, солиқ ставкасини пасайтириш, солиқ тўловчилар учун имтиёзлар бериш.
Бюджет харажатларининг таркибига боғлиқ омиллар	-харажат миқдори ва нисбатларининг ўзгариши; -харажат таркибининг ўзгариши; -бюджетдан ажратиладиган субсидия ва дотациялар миқдорининг ўзгариши; -Давлат бюджети тақчиллиги даражаси ва бошқалар.

Маълумки, бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигига юқорида кўрсатилган икки муҳим йўналишдаги омиллар ва уларнинг таркибий элементлари жиддий таъсир кўрсатади. Бунда асосий ўринни давлат бюджети солиқли даромадлари ташкил этиб, унинг ўзгаришига қуйидаги омиллар таъсир қилади. Қуйидаги чизмада кўрсатиб ўтилган солиқ элементлари давлат бюджети даромадлар қисмини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Давлат бюджети солиқли даромадларининг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар таснифи



Айнан уларнинг йилдан-йил ўзгартирилишида мавжуд иқтисодий вазият, давлатнинг ижтимоий-сиёсий ривожланиш даражаси ҳамда бошқа жиҳатларни инобатга олиш лозим бўлади.

Жаҳон цивилизациясида турли давлатларнинг иқтисодий тузуми, ижтимоий-сиёсий ривожланиш даражаси, ишлаб чиқариш ва мулкчилик муносабатлари ҳолатининг турлича бўлиши, ўз навбатида, ҳар бир давлатда солиқларнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги ўрни, солиқларнинг таркибий тузилишини, бевосита ва билвосита солиққа тортиш нисбатини, солиқлар бажарадиган функциялардан фойдаланиш шартларини, солиққа тортиш тамойилларини, солиқ имтиёзлари таркиби ва улардан фойдаланиш даражаси, солиқ юки даражасининг ҳам турлича бўлишини тақозо қилади. Бинобарин, бундай шароитида солиқлар орқали иқтисодиётни тартиблаш жараёни ҳам турлича бўлиши табиий, албатта, аммо барча давлатларда бу бошқаришда солиқлардан фискал, рағбатлантирувчи ва чегараловчи восита сифатида фойдаланилади.

Давлат томонидан ўтказилаётган солиқ-бюджет сиёсати давлат ғазнаси билан солиқларнинг рағбатлантирувчи роли ва бюджет харажатларининг энг мақбул тузилмаси ўртасидаги ўзаро нисбатнинг самарадорлигига эришиш имконини яратди. Ўз навбатида, даромадлар бўйича бюджетнинг барқарор ва тўлақонли ижроси бюджетда белгиланган барча тадбирларни ўз вақтида ва тўла молиялаштиришни таъминлайди.

Макроиқтисодий жиҳатдан эса давлатнинг самарали солиқ-бюджет сиёсати инвестиция иқлимини яхшилаш, молиявий барқарорлик пул ва молия

бозорлари ривож, корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва аҳолининг реал даромадлари ўсишига имкон беради.

2.3. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини мустаҳкамлаш масалалари

Мамлакатнинг иқтисодиёти ички ва ташқи манбалардан самарали фойдаланиш даражасига боғлиқ. Давлат бюджети мамлакат молиявий ресурсларини жамғариш ва тақсимлаш жараёнида ҳал қилувчи ролни ўйнайди.

Давлат бюджети даромадларининг бюджетга тушишининг узлуксизлиги таъминланса, иқтисодиётнинг турли тармоклари ривожланиши учун етарли даражада харажатлар қилиш имконияти мавжуд бўлади ва аҳоли турмуш фаровонлиги яхшиланади. Агарда маблағ кўрсаткичлари тўлиқ бажарилмаса, бюджет йўналишлари бўйича номувофиқлик келиб чиқади. Бу эса бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигига путур етказиб, даромад ва харажатларнинг номутаносиблигига олиб келади.

Давлат бюджетини қабул қилиш ўз олдига бир қатор устувор вазифаларини қўяди:

- иқтисодиётни барқарор ва жадал ривожланишини таъминлаш, қатъий пул-кредит сиёсатини олиб бориш;
- молия, солиқ ва божхона идоралари олдига солиқлар ва тўловларнинг тўлалигича йиғилишини таъминлашнинг аниқ йўналишлари ва механизмларини белгилаш;
- хўжалик субъектларининг бюджет олдигаги боқиманда қарзларни кескин камайтириш;
- солиқ тўлаш интизомини мустаҳкамлаш, бюджет харажатларининг мақсадли йўналишлар бўйича оқилона сарфланишини назорат қилиш.

Бундай мақсадларга эришиш учун энг аввало, бюджет даромадларини шакллантириш ва харажатлардан оқилона фойдаланишда солиқ ставкаларини пасайтириб бориш, хўжалик субъектларининг солиқ юкини камайтириш, самарасиз солиқ имтиёзларидан воз кечиш, давлат харажатларининг таркибий ва структуравий жиҳатидан қайта кўриб чиқиш зарур.

Бюджет-солиқ сиёсати самарадорлигини оширишда давлат бюджети ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасида давлат бюджетининг ижросини назорат қилишни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг ҳудудий молия органлари амалга оширади. Бунинг учун турли даражадаги бюджетларга мақсадли жамғармаларнинг тушиши тўғрисида солиқ, божхона органларидан, мақсадли жамғармаларни тақсимловчи органлардан бюджет маблағларини олувчилардан бюджетдан ажратилган маблағларнинг тушуми ва сарфланиши тўғрисида ҳисоботлар, банклардан бюджет маблағларининг ҳаракати тўғрисида маълумотлар олинади. Давлат бюджетининг ижроси тўғрисида умумлаштирилган якуний маълумотлар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тақдими асосида Вазирлар Маҳкамасида йилнинг ҳар чорагида кўриб чиқилади.

Давлат бюджетида барча асосий молия институтлари сарфлар, турли даромадлар, давлат кредити бирлашган. Давлат бюджети давлатнинг молия ресурсларини вужудга келтириш, шакллантириш усуллари, улардан мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши мақсадларида фойдаланишни белгилайди. Ўзбекистон Республикасида ягона бюджет тизими шакллантирилган бўлиб, у икки бўғиндан иборат: республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар. Ўзбекистон Республикасидаги барча бўғинларни шакллантириш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижросини ҳисобга олиш миллий валюта-сўмда амалга оширилади.

Давлат бюджетининг асосий вазифаси давлатнинг фискал сиёсати мазмунини ва йўналишларини ўзида ифода этади. Кенгроқ маънода айтганда, давлат бюджетининг асосий вазифаси миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, иқтисодиётни тартибга солиш ва рағбатлантириш, ижтимоий сиёсатни молия билан таъминлаш, мамлакатнинг марказлаштирилган пул жамғармаларини вужудга келтириш ва улардан фойдаланиш устидан назорат қилиш ҳисобланади.

Давлат бюджети ялпи ички маҳсулот ва миллий даромаднинг тақсимланиш жараёнида давлатнинг жамиятдаги вазифаларини бажариши учун мақсадли равишда шакллантирилган марказлаштирилган пул фонди бўлиб ва мамлакатда яшочи барча аҳолининг молиявий манфаатларини ўзида ифода этади.

2-жадвал

Мақсадли фондларсиз давлат бюджети харажатларининг таркиби

Кўрсаткичлар	2010 йил		2011 йил		2012 йил	
	миллиард сўм	фоиз да	миллиард сўм	фоиз да	миллиард сўм	фоиз да
Давлат бюджети харажатлари, миллиард сўм	13733	100	16991	100	21571	100
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қуватлаш харажатлари	8 113	59,1	10112	59,5	12513	58
Иқтисодиёт харажатлари	1 573	11,5	1952	11,5	2372	11,0
Марказлашган инвестицияларни молиялаштириш	825	6,0	950	5,7	1059	4,9
Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш фондига ажратмалар					264	1,2

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари харажатлари	352	2,6	472	2,7	629	2,9
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари	119	0,9	152	0,9	191	0,9
Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси	54	0,4	57	0,3	70	0,3
Бошқа харажатлар	2 692	19,6	3290	19,3	4471	20,7
Давлат бюджетининг режалаштирилган тақчиллиги	-616		-812		957	
ЯИМга нисбатан фоизда	-1,0фоиз		-1,0фоиз		1фоиз	

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда янада ижобий ўзгаришларни таъминлашга, бюджет соҳаси ходимлари иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар миқдорини изчил ошириб бориш каби ижтимоий соҳадаги тадбирларни молиялаштириш билан бирга жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатни барқарор иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омили сифатида ички талабни рағбатлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга оширишга йўналтирилмоқда.

-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, давлат бюджети харжатлари таркибида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қуватлаш харажатлари жами харжатларнинг 58-60 фоизини ташкил этмоқда. Иқтисодиёт харажатлари эса 2010 йилда 11,5 фоизни 2012 йилда эса 11 фоизни ташкил этиши кўзда тутилган. Марказлаштирилган инвестицияларни бюджетдан молиялаштириш учун 2010 йилда 825 миллиард сўм, 2011 йилда 950 миллиард сўм, 2012 йилда эса 1059 миллиард сўм сарфланиши кўзда тутилган. Бу ўз навбатида ҳозирги кунда амалга оширилаётган иқтисодиётни модернизация қилиш ва янгилаш, инновацион технологияларни кенг жорий қилиш билан боғлиқ йирик ва стратегик аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни молиялаштиришда бюджет инвестицияларининг ҳам аҳамияти юқорилигидан далолат беради.

2012 йилги бюджет сиёсатида Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш фондига 264 миллиард сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Бу ҳам ўз навбатида таълим ва тиббиёт муассасаларини модернизация қилиш орқали таълим ва солиқни сақлаш бўйича хизматлар сифатини янада юксалтириш,

пировардида аҳолининг интеллектуал салоҳияти ва турмуш фаровонлигини юксалтиришда давлат бюджети алоҳида аҳамиятга эга бўлаётанини тасдиқлайди.

3- жадвал

Давлат бюджетидан ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қуватлаш харажатлар таркиби

Кўрсаткичлар	2010 йил		2011 йил		2012 йил	
	миллиард сўм	фоиз да	миллиард сўм	фоиз да	миллиард сўм	фоиз да
Давлат бюджети харажатлари, миллиард сўм	13733	100	16991	100	21571	100
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қуватлаш харажатлари, жами	8 113	59,1	10112	59,5	12513	58
таълим	4 635	33,8	5890	34,6	7223	33,4
соғлиқни сақлаш	1 704	12,4	2217	13,0	2820	13,0
маданият ва спорт	160	1,2	194	1,1	226	1,0
илм-фан	84	0,6	111	0,6	140	0,6
ижтимоий таъминот	59	0,4	74	0,4	93	0,4
оилаларга ижтимоий нафақалар	1 432	10,4	1582	9,3	1899	8,8

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари фаолияти учун харажатлар жами харажатлар таркибида 2010 йилда 2,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб бу харажатлар 2,9 фоизни ташкил этиши кўзда тутилган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти учун харажатлар кейинги йилларда жами бюджет харажатларининг 0,9 фоизини ташкил этиши кутилмоқда.

Юқоридаги жадвалда бюджет харажатлари бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини ўзида ифода этиб, унда табиий равишда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари устувор экани кузатиш мумкин. Давлат бюджетининг ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари асосан таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, илм-фан, ижтимоий таъминот ва ижтимоий нафақалардан ташкил топган. Буни қуйидаги жадвал маълумотлари мисолида кўришимиз мумкин.

Давлат бюджетининг ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари таркибидаги таълим харажатлари 2012 йилда жами бюджет харажатларнинг 33,4 фоизини ташкил этиши кўзда тутилган. Ушбу харажатлар 2011 йилда 34,6 фоизни ташкил этди.

2011 йилда ҳам бюджет ташкилотларида иш ҳақи ва ижтимоий нафақаларнинг изчил равишда ошириб борилиши давом эттирилди. Жумладан, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи 1,25 баробар оширилиб, бунга қўшимча равишда 1,1 триллион сўм сарфланди.

4- жадвал

Давлат бюджетининг иқтисодиёт харажатлари таркиби

Кўрсаткичлар	2011 йил		2012 йил	
	миллиард сўм	фоиз да	миллиард сўм	фоиз да
Давлат бюджети харажатлари, миллиард сўм	16991,1	100	21571,7	100
Иқтисодиётга ажратилган харажатлар	1952,1	11,5	2372,0	11,0
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги сув хўжалиги ташкилотлари томонидан истеъмол қилинадиган электр-энергияси тўловлари	648,8	3,8	766,9	3,5
Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фондида мақсадли ажратмалар	184,5	1,1	210,0	0,9
Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжалкларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун мақсадли маблағлар	140,0	0,8	160,0	0,7
Бошқа харажатлар	978,8	5,7	1235,1	5,7

Давлат бюджетидан иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш учун харажатлар 2011 йилда 1952 миллиард сўм, 2012 йилда эса 2372 миллиард сўмни ташкил қилиши кўзда тутилган. Ушбу харажатлар таркибида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги сув хўжалиги ташкилотлари томонидан истеъмол қилинадиган электр-энергияси тўловлари 2012 йилда жами харажатларнинг 3,5 фоизни, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини

яхшилаш фондига мақсадли ажратмалар 0,9 фоизни, ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжалқларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун мақсадли маблағлар 0,7 фоизни, бошқа харажатлар 5,7 фоизни ташкил этиши кўзда тутилган. Умуман, давлат бюджетидан иқтисодиёт харажатлари асосан қишлоқ ва сув хўжалиги тармоғида фаолият юритувчи хўжалик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда. Шу орқали аграр тармоқда фаолият юритувчи корхоналарни ва хусусан, фермер хўжалиқларининг барқарор фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

III боб. Мавзуни “ақлий ҳужум” стратегияси асосида ўқитиш методикаси

3.1. Маъруза машғулотлари методикаси

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ҳар бир педагогнинг олдида дунёга янги кўз билан қарайдиган, уддаабурон, ишнинг кўзини билувчи, буюк келажагимиз пойдеворини курувчи ва юксалтирувчи ишчи мутахассис кадрларни тайёрлаш вазифасини қўйди. Бундай улкан вазифаларни амалга оширишда ўқитиш амалиётига замонавий ва жаҳоннинг энг илғор таълим технологияларини қўллашни давр тақозо этмоқда.

Маълумки ҳар қандай педагогик технология таълимни ривожлантирувчи янги тамойилларга асосланган бўлиб, тингловчи талаба шахсини шакллантиришга йўналтирилмоғи керак. Илғор педагогик технология марказида таълим жараёнининг раҳбари ҳамда шу жараённинг субъекти-ю объекти бўлган ўқувчи ва тингловчи — талаба туради. Шундай экан, бу икки шахснинг ҳамкорлиги, ўзаро мулоқоти, бир-бирига кўрсатадиган таъсири энг замонавий ва миллий талаблар асосида бўлиши лозим. Бунинг учун таълим жараёни, ўқитувчи, таълим тарбия - жараёни олдида қўйилган талаблар, таълимни ташкил этиш ва бошқариш тамойиллари ҳамда йўллари тингловчи—талабани ақлий ва жисмоний жиҳатдан ривожлантириш усуллари, у билан ҳамкорлик қилиш, уни ўқиш ва ўрганишга йўналтириш, тингловчи—талаба шахсий фаолиятини тўғри ташкил этиш, улар билан мулоқотга киришиш, муаммо ва келишмовчиликларни бартараф этиш, аудиторияда ижодий, ишчанлик муҳитини вужудга келтириш, тингловчи—талаба фаолиятини аниқ ва тўғри баҳолаш методлари билан қуролланган бўлиши лозим.

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, таълим олувчилар фаолиятини назорат этиш, улар томонидан эгалланган билим, малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳоратни талаб этади.

«Ақлий ҳужум» методи ўқувчи (талаба)ларнинг машғулотлар жараёнидаги фаолликларини таъминлаш, уларни эркин фикр юритишга рағбатлантириш ҳамда бир хил фикрлаш энергиясидан озод этиш, муайян мавзу юзасидан ранг-баранг ғояларни тўплаш, шунингдек, ижодий вазифаларни ҳал этиш ечиш жараёнининг дастлабки босқичида пайдо бўлган фикрларни енгишга ўргатиш учун хизмат қилади.

«Ақлий ҳужум» методи муайян мавзу юзасидан берилган муаммоларни ҳал этишда кенг қўлланиладиган метод саналиб, у машғулот иштирокчиларини муаммо хусусида кенг ва ҳар томонлама фикр юритиш, шунингдек, ўз тасаввурлари ва ғояларидан ижобий фойдаланиш борасида

маълум кўникма ҳамда малакаларни ҳосил қилишга рағбатлантиради. Ушбу метод ёрдамида ташкил этилган машғулотлар жараёнида ихтиёрий муаммолар юзасидан бир неча оригинал ечимларни топиш имконияти туғилади.

“Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги ” мавзусини КХК ўқитишни қуйидагича ташкил этиш мумкин: Вақт тақсимооти:

- 1- босқич тайёрлов- 5 мин.
- 2- босқич даъват (чақирув) - 15 мин.
- 3- босқич англаш - 37 мин.
- 4- босқич мулоҳаза (фиқирлаш) -20 мин.
- 5- босқич уйга вазифа - 3 мин.

Берилган мавзуни олиб боришни қуйидаги режа асосида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ

Ўқув материаллари:	Дарснинг аниқлаштирилган мақсади:
• Илгор педагогик технологиялар (Ишматов Қ. 2003) • Дарисликлар. • Тарқатма материаллар. • Ёпишқоқ лента • Дафтар,ручка,қоғозлар. • Плакатлар.	Мавзуни ўзлаштиргандан сўнг талабалар: • Бюджетни тизими моҳиятини тушунади • Солиқ сиёсати моҳияти ва хусусиятларини ўрганади • Бюджетлар даромадларининг шаклланиш йўналишларини кўрсатиб беради • Солиқларнинг таркибий тузилишини аниқлаб олади • Бюджетлар даромадларини оширишни йўналишларни ўрганади

Таянч-сўз ва иборалар :Давлат бюджети, бюджет тизими, солиқлар, солиқ юки, дотация, субвенция, бюджет ссудаси, республика бюджети, маҳаллий бюджетлар, харажатлар сметаси, смета асосида молиялаштириш, бюджет ташкилоти, бюджет харажатлари, бюджет даромадлари, жорий харажатлар, бюджет трансферти.

Дарс жараёнида ақлий ҳужумдан мақсадли фойдаланиш ижодий, ностандарт тафаккурлашни ривожлантириш гарови ҳисобланади.“Ақлий ҳужум”ни уюштириш бир мунча содда бўлиб, ундан таълим мазмунини ўзгартириш жараёнида фойдаланиш билан биргаликда ишлаб чиқариш муаммоларининг ечимини топишда ҳам жуда қўл келади. Дастлаб гуруҳ йиғилади ва улар олдида муаммо қўйилади. Бу муаммо ечими тўғрисида барча иштирокчилар ўз фикрларини билдирадилар. Бу босқичда ҳеч кимнинг ўзга киши ғояларига ҳужум” қилиши ёки баҳолашига ҳаққи йўқ. Демак, “ақлий ҳужум” йўли билан қисқа минутларда ўнлаб ғояларни юзага чиқиш имкониятлари мавжуд бўлади. Аслини олганда ғоялар сонини қўлга киритиш асосий мақсад эмас, улар муаммо ечимини оқилона ишлаб чиқиш учунгина асос бўладилар. Бу метод шартларидан бири ҳеч қандай ташқи таъсирсиз

катнашувчиларнинг ҳар бири фаол иштирокчи бўлиши керак. Билдирилган ғояларнинг беш ёки олтитасигина асосий ҳисобланиб муаммо ечимини топишга салоҳиятли имкониятлар яратади.

Шундай қилиб, “ақлий ҳужум” қоидаларини қуйидагича белгилаш мумкин:

- олға сурилган ғоялар баҳоланмайди ва танқид остига олинмайди;
- иш сифатига эмас, сонига қаратилади, ғоялар қанча кўп бўлса шунча яхши;
- исталган ғояларни мумкин қадар кенгайтириш ва ривожлантиришга ҳаракат қилинади;
- муаммо ечимидан узоқ ғоялар ҳам қўллаб-қувватланади;
- барча ғоялар ёки уларнинг асосий мағзи (фаразлари) қайд этиш йўли билан ёзиб олинади;
- “ҳужум”ни ўтказиш вақти аниқланади ва унга риоя қилиниши шарт;
- бериладиган саволларга қисқача (асосланмаган) жавоблар бериш кўзда тутилиши керак.

ВАЗИФАСИ. “Ақлий ҳужум” қийин вазиятлардан қутулиш чораларини топишга, муаммони кўриш чегарасини кенгайтиришга, фикрлаш бир хиллигини йўқотишга ва кенг доирада тафаккурлашга имкон беради. Энг асосийси, муаммони ечиш жараёнида курашиш муҳитидан ижодий ҳамкорлик кайфиятига ўтилади ва гуруҳ (синф) янада жипслашади.

ОБЪЕКТИ. қўлланиш мақсадига кўра бу метод универсал ҳисобланиб тадқиқотчиликда (янги муаммони ечишга имкон яратади), ўқитиш жараёнида (ўқув материалларини тезкор ўзлаштиришга қаратилади), ривожлантиришда (ўз-ўзини бир мунча самарали бошқариш асосида фаол фикрлашни шакллантиради) асқотади.

Қўлланиш усули. “Ақлий ҳужум” иштирокчилари олдида қўйилган муаммо бўйича ҳар қандай мулоҳаза ва таклифларни билдиришлари мумкин. Айтилган фикрлар ёзиб борилди ва уларнинг муаллифлари ўз фикрларини қайтадан хотирасида тиклаш имкониятига эга бўлди. Метод самараси фикрлар хилма-хиллиги билан тавсифланди ва ҳужум давомида улар танқид қилинмайди, қайтадан ифодаланмайди. Ақлий ҳужум тутагач, муҳимлик жиҳатига кўра энг яхши таклифлар генерацияланади ва муаммони ечиш учун зарурлари танланади.

Шунинг билан бирга мавзуни янада батафсил ёритиб бериш учун янги педагогик техноглогияларнинг қуйидаги шаклларида фойдаланиш мумкин:

Интерфаол стратегиялар:

- Кичик гуруҳларда ишлаш
- «тўп ўйини»
- «Инсерт» стратегияси,
- биргаликда ишлаш фикрлашга ундовчи қизиқарли саволлар
- «Кластер»
- «Синквейн»
- Тест

- ЭССЕ

Ўқитувчи дарсни олиб жараёнини ташкил этишни қуйида келтирилган тартибда амалга ошириши мумкин:

Дарснинг бориши

<i>Машгулот босқичлари</i>	Педагог	<i>Талаба</i>	<i>Назорат</i>
Тайёрлов Босқичлари	• Тингловчиларни хонага таклиф қилади. • Ташкилий қисмдан сўнг талабаларни «гўп ўйинига» таклиф қилади. (ўйин методикаси тушунтирилади). • Ўйин тугагандан сўнг талабаларга рақамлар ёзилган карточкалар таклиф этилади, уларнинг ўз рақамларига мос шолда 1,2,3,4 рақамлар ёзилган стол атрофига жойлашиб кичик гуруҳларга уюштилади. • Дарснинг мақсади мавзуси кутилаётган натижани эълон қилади, зарур бўлса унга тузатишлар киритиб, тўласигача яқдиллик билан қабул қилинишини таъминлайди.	• Талабалар педагог буйруқларни тез ва чаққонлик билан бажарадилар. • Талабалар гуруҳларга бўлингандан сўнг стол атрофида ўз-ўз жойларини эгалашиб, дарсга тайёр эканликларини билдиради. • Талабалар ўрганилаётгант мавзунини дафтарларига ёзишади, ўзлари учун дарсдаги ўз ишлари мақсади ва натижаларини белгилашади. • Ўз мулохазаларини билдиради.	

Машғулотнинг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат

<i>Машигулот босқичлари</i>	<i>Педагог</i>	<i>Талаба</i>	<i>Назорат</i>								
Англаш	Тингловчиларга маърузалар матни тарқатилади ва уни гуруҳларда инсерт стратегиясидан фойдаланиб ўрганишни тавсия этади. «Инсерт» жадвалини тўлдириш мазмунини тушунтирилади. - менинг фикрларимни тасдиқлайди. - янги ахборот мени билганимга зид. - Янги маълумотлар билишни хохлайман.	Тингловчилар гуруҳларда матн билан танишади, қалам билан унинг хошияларига белгилашади ва қуйидаги жадвалларни тўлдиришади. <table border="1"> <tr> <td>у</td><td>+</td><td>-</td><td>?</td></tr> <tr> <td></td><td></td><td></td><td></td></tr> </table> Инсерт жадвалини тўлдириш бўйича тажриба матнини ўқиш вақтида олинган билимлар билан ўртоқлашишади. Матн билан ишлашда нима ноаниқ бўлгани ва ўйлантириб қўйгани ҳақида ўз фикрларини айтади. Жадвал намунаси 1-иловада келтирилган.	у	+	-	?					Жавоблар баҳоланади
у	+	-	?								
Фикрлаш	А)Маҳаллий бюджет нима ? Б) Бюджет ташкилотлари? -5 мин. Мустақил иш бажаради -талабаларга эътиборига мавзу бўйича плакат намойиш этилади ва кластер тузилади. Мустақил иш «кластер» натижалари эълон қилинади.Ҳар бир гуруҳнинг фаолиятига яқун ясалади. Рағбатлантирилади.	Талабалар саволларга жавоб берадилар. Дафтарларига плакатда кўрсатилган маълумотларни мустақил бажариш учун «кластер» тузадилар.	Жавоблар баҳоланади								
Уйга вазифа	1. Дарсликлардан смета асосида молиялаштириш тўғрисидаги маълумотларни ўрганиб келиш. 2. Маъруза матнидан «Иқтисодий эркинлаштириш шароитларида маҳаллий бюджетлар ижросини таъминлаш » ни ўзлаштириш.	Берилган топшириқларини бажариш.									

Қўшимча саволлар ва хулосалар

Муаммони шаклланиши: Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бюджет-солиқ сиёсати қандай аҳамият касб этмоқда ва бу Ўзбекистон иқтисодиётига жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирини қандай минималлаштиришда қандай аҳамиятга эга?

Ечиладиган муаммо ости муаммолари:

1. Бюджетлардан ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган маблағларининг таркиби қандай?

Билимларни жонлаштириш.

1.1. Солиқ сиёсати **зарурлиги**?

1.2. Иқтисодий ўсишни таъминлашда давлат бюджетининг роли нимада ифодаланади?

Хулоса. Иқтисодиётни эркинлаштириш маҳаллий бюджетлар ижросини оқилона ташкил этилиши бюджет маблағларининг самарали ишлатилиши ва ҳаракатчанлигини ошириш воситаси бўлиб хизмат қилади, аҳоли фаровонлигини оширади, фуқароланинг давлат бўлган ишончини мустаҳкамлайди, ижтимоий жиҳатдан заиф қатламни инқирознинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган тўсиқ ва ҳимоя воситаси бўлиб хизмат қилади.

3.2. Амалий машғулотлар методикаси

Ҳаммамизга маълумки педагогик жараёнда ўқув мақсадини аниқ қўя олиш дидактик жараённинг самарадорлигини таъминлайди. Бу жараёнда технологик тизим воситалари (нима ёрдамида), усуллари (қандай йўл билан), шакллари (қандай шароитда) муҳим рол ўйнайди. Дарс савиясини оширувчи интерфаол усулларни қўллаш жараёнида эса мақсадга мувофиқ, яхлит, қулай ўқув муҳити вужудга келади, яъни ўқитувчи-ўқувчи муносабати шаклланади.

“Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги” мавзусида дарсни ташкил этиш ва самарадорлигини оширишнинг асосий омилларига диққат эътиборимизни қаратадиган бўлсак, бунда билим ва кўникмалар ҳосил қилиш, илмий таҳлил ва эркин фикрлаш имконини берувчи асосий омил мавзунинг мазмун ва моҳиятини очиб берувчи воситаларни тўғри танлашдир. Бизга маълумки Маҳаллий бюджетлар ресурсларини самарали бошқариш масалалари га интенсив ва экстенсив усуллар орқали эришади. Ўқувчиларда бу билан боғлиқ билим ва кўникмаларни ҳосил қилишда эса ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётини акс эттирувчи статистик маълумотлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

<i>Машғулот вақти-2 соат</i>	Талаблар сони: 20 – 30гача
<i>Машғулот шакли</i>	Ақлий ҳужум стратегияси асосида мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан амалий машғулот
<i>Машғулот режаси</i>	1. Бюджет тизимининг ўрни ва аҳамияти. 2. Бюджет даромад ва харажатлари таркиби ва тузилиши. 3. Солиқ сиёсати орқали бюджетларни бошқариш ва тартибга солиш асослари. 4 Давлат бюджети сарфланишининг назоратини ташкил этиш
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш, кенгайтириш ва чуқурлаштириш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i> • мавзу бўйича билимларни ўзлаштириш ва кенгайтиришга мотивация яратиш; • мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш; • ахборотни таҳлил қилиш, тизимлаштириш, солиштириш ва умумлаштириш бўйича кўникмалар ишлаб чиқиш; • мавзу саволлари бўйича изоҳлаш ва шакллантириш жараёнини ташкил қилиш.	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i> Талабалар бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлаш механизми бўйича билимларга эга бўладилар
<i>Ўқитиш усуллари</i>	Ақлий ҳужум, Гуруҳларда ишлаш, такдимот, график органайзер
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Фронтал, жамоавий, индивидуал.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Ўқув қўлланма, проектор, графикорганайзерлар.
<i>Ўқитиш шароити</i>	УТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: савол-жавоб шакли

Амалӣй машғулот технологик картаси

Ишлаш босқичла- ри, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
1-босқич. Мавзуга кириш (10дақ.)	1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади, муҳокама учун саволлар, кўзланаётган натижалар ва машғулотни олиб бориш хусусиятларини маълум қилади. Энг юқори балл тўплаган гуруҳ ғолиб бўлишини эълон қилади. Гуруҳларда ишлаш қондаси билан таништиради	Тинглайдилар. Саволларга жавоб берадилар.
2-босқич. Асосий (65дақиқа)	2.1. Талабаларни 3 гуруҳга бўлади. Ўқув топширигини тарқатади (2-илова). Кўзланаётган қандай ўқув натижаларига эга бўлинишини аниқлайди. Иш тартиби ва регламенти, баҳолаш мезонларива кўрсаткичларини тушунтиради (3-илова). 2.2. Гуруҳларда иш бошланганлигини маълум қилади. Кузатувчи сифатида гуруҳ ишини назорат қилади, алоҳида ишларни ташкил қилиш бўйича аниқ кўрсатмалар беради, очик саволлар беради: “Нима учун худди шундай...?, Сизнингча энг яхшиси қандай?” 2.3. Гуруҳларга жадвал саволларини бўлиб ташлайди, ҳар бир гуруҳга битта саволга жавоб беришни таклиф қилади. Жадвалнинг 4 саволи бўйича барча гуруҳлар ўзларининг жавоб вариантларини беришларини сўрайди. Ўқув натижаларини шарҳлайди, топширикни бажариш жараёнидаги қилинган алоҳида хулоса, умумлаштиришларга аҳамият беради ва гуруҳларни ўзаро баҳолашларини ташкиллаштиради.	Ўқув топшириқлари, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан танишадилар. Гуруҳ аъзолари жадвал тўлдирадилар. Ўқув топшириғи бўйича гуруҳли иш натижаларини ифодалайдилар ва тақдимот вароқларини расмийлаштирадилар. Тақдимотга тайёрланадилар. Берилган савол бўйича гуруҳ фаоллари тақдимот қиладилар ва бошқа гуруҳлар аъзолари жавобни тўлдирадилар. Ўзаро баҳолайдилар.
3-босқич. Якуний (5дақиқа)	3.1. Гуруҳларнинг ўзаро баҳолашнинг якунини чиқаради, ўқув фаолият натижаларини таҳлил қилади.	Тинглайдилар.

Гуруҳларда ишлаш қондаси

- Шеригингизни диққат билан тингланг.
- Гуруҳ ишларида ўзаро фаол иштирок этинг, берилган топшириқларга масъулият билан ёндошинг.
- Агар ёрдам керак бўлса, албатта мурожаат қилинг.
- Агар сиздан ёрдам сўрашса, албатта ёрдам беринг.
- Гуруҳлар фаолиятининг натижаларини баҳолашда ҳамма иштирок этиши шарт.

Аниқ тушунмоғимиз лозим:

- Бошқаларга ўргатиш орқали ўзимиз ўрганамиз;
- Биз битта кемадамиз: ёки биргаликда сузиб чиқамиз, ёки биргаликда чўкиб кетамиз.

Ўқув топшириғи

1. Аввал олинган билимларни қўллаб, жадвални тўлдириш.
2. Саволлар бўйича бирга тақдирот қилиш (1-3)

Иш тартиби ва регламенти

1. Гуруҳларда ишлаш - 20 дақиқа.
2. Тақдирот - 10 дақиқа.
3. Жамоавий муҳокама ва ўзаро баҳолаш – 15 дақиқа

Ўқув фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари

Гуруҳлар	Савол ёритилишининг тўлиқлиги (5 балл)	Жавобларга бошқа гуруҳларнинг тўлдириши (0,5 баллдан)	Башорат варианты (2 балл)	Умумий балл
1				
2				
3				

ХУЛОСА

Бюджет-солиқ сиёсати самарадорлигини оширишда давлат бюджети ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасида давлат бюджетининг ижросини назорат қилишни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг ҳудудий молия органлари амалга оширади. Бунинг учун турли даражадаги бюджетларга мақсадли жамғармаларнинг тушиши тўғрисида солиқ, божхона органларидан, мақсадли жамғармаларни тақсимловчи органлардан бюджет маблағларини олувчилардан бюджетдан ажратилган маблағларнинг тушуми ва сарфланиши тўғрисида ҳисоботлар, банклардан бюджет маблағларининг ҳаракати тўғрисида маълумотлар олинади. Давлат бюджетининг ижроси тўғрисида умумлаштирилган якуний маълумотлар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тақдими асосида Вазирлар Маҳкамасида йилнинг ҳар чорагида кўриб чиқилади.

Давлат бюджетига барча асосий молия институтлари сарфлар, турли даромадлар, давлат кредити бирлашган. Давлат бюджети давлатнинг молия ресурсларини вужудга келтириш, шакллантириш усуллари, улардан мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши мақсадларида фойдаланишни белгилайди. Ўзбекистон Республикасида ягона бюджет тизими шакллантирилган бўлиб, у икки бўғиндан иборат: республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар. Ўзбекистон Республикасидаги барча бўғинларни шакллантириш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижросини ҳисобга олиш миллий валюта-сўмда амалга оширилади.

Давлат бюджетининг асосий вазифаси давлатнинг фискал сиёсати мазмунини ва йўналишларини ўзида ифода этади. Кенгроқ маънода айтганда, давлат бюджетининг асосий вазифаси миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, иқтисодиётни тартибга солиш ва рағбатлантириш, ижтимоий сиёсатни молия билан таъминлаш, мамлакатнинг марказлаштирилган пул жамғармаларини вужудга келтириш ва улардан фойдаланиш устидан назорат қилиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислохотлар чуқурлашуви жараёнида ижтимоий маданий соҳаларни ривожлантиришни молиялаштириш тизими мураккаблашади, уни келгусида такомиллаштириш объектив заруриятдир.

Ижтимоий-маданий соҳаларни ривожлантиришни молиялаштириш тизимини келгусида такомиллаштириш мақсадида куйидаги тадбирларни амалга оширишни тавсия этамиз:

- Ўзбекистон Республикаси ижтимоий кодексини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

- Бюджет ижроси жараёнида қўлланилаётган ғазначиликдан фойдаланишни такомиллаштириш.

- Ижтимоий маданий соҳаларни ривожлантириш учун ажратилаётган маблағларни оқилона ишлатиш мақсадида ишлаб чиқилган ҳудудий иқтисодий моделдан фойдаланиш.

- Ижтимоий-маданий соҳаларни ривожлантириш, ажратилаётган

маблағларни мувофиқлаштириш мақсадида давлат ва нодавлат ресурсларни бирлаштириш тамойилларига асосланган ташкилий услубий схемадан фойдаланиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Президент И. А. Каримов асарлари

1. 2014 йил мамлакатни юқори суръатларда ривожлантириш, барча имкониятларни сафаръар этиш, ислохотларнинг ўзини оқлаган стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. – Президент Ислом Каримовнинг 2013 йилнинг асосий якунлари ва 2014 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь.

2. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

3. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.

4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

II. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2001. 39 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуни. Халқ сўзи, 1997 йил 29 август.

3. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси. Халқ сўзи, 1998 йил 3 январь.

4. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. -Т.: Адолат, 2008.

5. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет кодекси»ги 2013 йил 14 декабрь қонуни.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат бюджетига солиқлар ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар беришни тартибга солиш тўғрисида»ги 1999 йил 26 июнь Фармони. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари. -Т.: Адолат, 2000.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби тўғрисидаги Низоми тасдиқлаш ҳақида» 2000 йил 23 декабрдаги қарори. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Қарорлар тўплами, №12, 2000.

8. Давлат молияси тизими. Меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. -Т.: Ўзбекистон, 2005. 368 бет.

III. Махсус адабиётлар

1. Бабич А.М., Павлова Л.Н. Государственные и муниципальные финансы. – М.: ЮНИТИ, 2004.
2. Бабич А.М., Павлова Л.Н. Финансы. – М.: ФБК-пресс, 2005.
3. Бабич А.М., Павлова Л.Н. Финансы, денежное обращение, кредит. – М.: ЮНИТИ, 2005. 687 с.
4. Бобожонов А. Солиқ муносабатларида ҳуқуқий маданият. Солиқ тўловчининг журнали, 2004. №6. 17-бет.
5. Брайчева Т.В. Государственные финансы. Санкт Петербург.: Питер, 2005. 278 с.
6. Бюджетная система Российской Федерации. Учебник под ред. М.В.Романовскова. – М.: Юрайт, 2005. 615 с.
7. Гаврилова И.Н. О применении санкций за нарушения налогового законодательства. Налоговый вестник, 2004. №6, с. 46-49.
8. Голицкая С.Б. Деньги кредит финансы. – М.: Экзамен, 2002. 221 с.
9. Головачев Д.Л. Государственные долг: теория Российская и мировая практика. – М.: Дело, 2005.
10. Гришкова Л., Аношкина В. Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими: шаклланиш босқичлари. //Бозор, пул ва кредит, 2004, №1. 23-бет.
11. Девере М.П. Экономика налоговой политики. -М.: Филинь, 2002.
12. Дмитриев М. Бюджетная политика в современной России. –М.: Московский Центр Карнеги, 2005. 158 с.
13. Журавлева Л.В. Бюджетная политика как метод государственного регулирования. – М.: Дело, 2004. 264 с.
14. Зарипова И.Р., Хафизова В.Р. История развития и современной состояние межбюджетных отношений в России. Уфа.: ГП «Принт», 2004. 181 с.
15. Землин А.И. Бюджетное право: схемы и комментарии. – М.: Юриспруденция, 2004. 240 с.
16. Иванова Н.Г. Казначейская система исполнения бюджетов. Санкт Петербург.: Питер, 2004. 200 с.
17. Ёкуббоев О. Солиқ механизми ва солиқ оғирлиги. Солиқ тўловчининг журнали. 1999, №9, 18-бет.
18. Йўлдошев Н., Турсунов Й. Молия ҳуқуқи. - Т.: Мехнат, 1999.
19. Йўлдошев Н., Турсунов Й. Солиқ ҳуқуқи. - Т.: Молия, 2000. 212 б.
20. Карасева М.В., Крохина Ю.А. Финансовое право. -М.: НОРМА, 2005.
21. Маликов Т.С. Мустақиллик йилларида солиқ сиёсати. Жамият ва бошқарув, 2001. №2, 6-бет.
22. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. - Т.: Адлия, 2002. 204 б.
23. Наговицин А.Г. Бюджетная политика. – М.: Инфра – М, 2005. 124 с.

24. Намозов Р. Хазиначилик тизими роли тўғрисида. Бозор, пул ва кредит, 2001, №3-4.
25. Налоги и налоговой право. Учебное пособие. Под ред. А.В. Брўзгалина. - М.: Аналитика-Пресс, 2005 г., 608 б.
26. Орєшин В.П. Государственное регулирование национальной экономики. – М.: Инфра – М, 2005. 56 с.
27. Основў налогового законодательства. - Т.: Мир экономики и права, 2006.
28. Поляк Г.Б. Финансовўй обеспечение социальной сфере. -М: Финансы и статистика, 2005.
29. Поляк Г.Б. Финансы местных советов. - М: Финансы и статистика, 1998. 2005. 1999. 539 с.
30. Раҳматуллаев Б. Бюджет - давлат иқтисодий кудрати асоси. Бозор, пул ва кредит, 2005, №7, 9 бет.
31. Раҳимова А., Ҳожиев Э. Ўзбекистон Республикасининг Молия ҳукуки. – Т.: ТДЮИ, 2002. 406 бет.
32. Самсонов Н.Ф., Баранников Н.П. Строкова И.И. Финансы на макроуровне. – М.: Высшая школа, 2004.
33. Солиқ қонунчилиги асослари. Ққув ққланма. Тузувчилар: Д.И. Шаулов, У.Т. Кан|. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000 й., 592 б.
34. Срожиддинова З.Х., Шарифходжаев М.Ш., Туляганова Н.Б. Бюджетная политика Республики Ўзбекистан. Учебное пособие. - Т.: ТФИ, 2001. 86 стр.
35. Срожиддинова З.Х., Абдуллаев А., Усипбаев Н.И. Государственўе финансы Республики Узбекистан. Учебное пособие. -Т.: ТФИ, 2001. 85 с.
36. Срожиддинова З.Х., Вахобов А.В, Сидиков Ж.Р. Государственўй бюджет Республики Узбекистан. Учебное пособие. -Т.: ТФИ, 2001. 107 с.
37. Тошмуродова Б. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. 128 бет.
38. Тренев Н.Н. Управление финансами. – М.: Финансы и статистика, 2005.
39. Финансовая политика, налоги и налогообложение. Справочное пособие|ред. совет: Беганов В.С., Куролов М.Я., Шаулов Д.И., Кан У.Т. |- Т.: Мир экономики и права, 1998 г., 209 б.
40. Финансы, денежное обращение, кредит. Под ред. Л. А. Дробозиной, М.: ЮНИТИ, 2005 г.
41. Хван Л.Б. Солиқ ҳуқуқи. - Т.: Консаудитинформ 2001 й., 432 б.
42. Черник Д.Г. Налоги. – М.: Финансы и статистика, 2005. 656 с.
43. Яхёев Қ.А. Ўзбекистонда солиқ тизими. - Т.: Мехнат, 1998 й., 376.
44. Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. - Т.: ./улом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. 168 б.
45. Яхёев Қ.А. Ўзбекистон солиқлари тўғрисида асосий тушунчалар. - Т.: Огоҳ, ГТШК, 2001 й., 56 б.

46. Levine R., Zervos S. Stock Markets, Banks and Economic Growth. Chicago University of Chicago Press, pp. 307.
47. Pagano M Financial Markets and Economic Review. 2005. pp 912.
48. Singh A. Financial liberalization. Economic journal 2004. pp 771.
49. Steinberg A. An innovative package for financial sector reforms. Journal of Banking and finance, 2005.
50. Szepo G. Financial regulation and multitier Financial intermediation system in Eastern Europe. Introduction journal of Banking and finance 2004. pp 410.